

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТҮПЛАМИ

32-сон
(1104)
2023 йил
август

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик түплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўtkазилган норматив-хуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

352. «Норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 8 августдаги ЎРҚ-860-сон Қонуни

Учинчи бўлим

353. «Давлат активларини сотиш учун халқаро ҳамда маҳаллий маслаҳатчими ёки ташкилотларни жалб этишда энг яхши таклифларни танлаб олиш тартибини белгилаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 10 августдаги 352-сон қарори

354. «Фавқулодда вазият рўй бериш хавфи ёки фавқулодда вазият рўй берганлиги ҳақида хабар беришнинг автоматлаштирилган тизими ни ривожлантириш ҳамда ундан самарали фойдаланишни ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 11 августдаги 361-сон қарори

355. «Иқлим ўзгариши ва табиий оғатлар хавфига нисбатан миллий харакатлар режасини ишлаб чиқиш ҳамда самарали амалга оширишни ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 11 августдаги 362-сон қарори

Бешинчи бўлим

356. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг 2023 йил 4 июлдаги 60-1-2023/Б-сон «Алоҳида асосларга кўра меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишдан бўшатилган ходимларга муддатидан олдин пенсия тайинлаш тартиби тўғрисидаги йўрикномага ўзгаришишлар киритиш ҳақида»ги буйруфи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 7 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 588-5*)
357. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2023 йил 28 июлдаги 70-сон ҳамда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигининг 2023 йил 25 июлдаги 2023/30-7-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж соҳасида ноозик-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ихтинослашган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгаришишларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 7 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2885-2*)
358. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 5 июлдаги 47-сон «Ўзбекистон Республикаси ва «Союзнефтегаз Восток Лимитед» компанияси ўртасида 2007 йил 23 январдаги Ўзбекистон Республикасининг Жанубий-Фарбий Ҳисор ва Устюрт мuntaқаси ҳудудларидаги конларга нисбатан маҳсулот тақсимотига оид битим доирасида нефть ва газ конденсатини қазиб олиш бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун (ројлати) солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгаришиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги буйруфи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 9 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2277-2*)
359. Ўзбекистон Республикаси экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирининг 2023 йил 22 июлдаги МН-9-сон «Экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлигига номзодларни маҳсус тайёргарликдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгаришишлар киритиш ҳақида»ги буйруфи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 9 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3041-1*)
360. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2023 йил 17 июлдаги 26-сон «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига чет эл фуқароларини ўқишига қабул қилиш олдидан тиббий кўрикдан ўтказиш

ҳақидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 10 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1862-1*)

361. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 17 июлдаги 2425-сон «Солик маслаҳати миллий стандарти (3-сонли СММС) «Давлат солик хизмати органлари томонидан солик текширувчари ўтказиш вақтида солик маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш тартиби»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 10 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2425-1*)
362. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 11 июлдаги 57-сон «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича маслаҳат марказининг намунавий низомига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 10 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2499-4*)
363. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 17 июлдаги 2940-сон «Солик маслаҳати миллий стандарти (5-сонли СММС) «Солик маслаҳатчилари ишининг сифатини ички назорат қилишни ташкил этишга кўйиладиган талаблар»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 10 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2940-1*)
364. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2023 йил 10 августдаги 396-сон «Рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини ва қатъий ҳисобдаги бланкаларни беришда, автомототранспорт воситалиари, уларнинг тиркамалари (ярим тиркамалари)ни рўйхатдан ўтказиша, қайта рўйхатдан ўтказиша, мажбурий техник кўрикдан ўтказиша, шунингдек имтиҳонларни олишда ундириладиган тўловлар ставкаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 11 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2303-4*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-хуқукий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ

352 Норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳалари- нинг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил
6 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2023 йил 22 июня
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳала- рининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисидаги қонунчилик

Норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатdir.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар — коррупциянинг кўринишлари учун, коррупцияга оид хуқуқбузарликларни содир этиш учун имконият яратадиган хуқуқий нормалар;

норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси — норматив-хуқуқий ҳужжатлардаги ва уларнинг лойиҳаларидаги коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлашга, аниқланган коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни барта-

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 9 августда эълон қилинган.

раф этишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш ва чоралар кўришга йўналтирилган тадбирлар мажмую;

чеклист — норматив-хуқуқий ҳужжатлардаги ва уларнинг лойиҳалари-даги коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш бўйича намуна-вий шаклдаги саволнома.

4-модда. Норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳала-рининг коррупцияга қарши экспертизасининг асосий принциплари

Норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасининг асосий принциплари қўйидагилардан иборат:

қонунийлик;

мустақиллик;

холислик;

коррупцияга қарши экспертиза ўтказишнинг мажбурийлиги;

коррупцияга қарши экспертиза натижаларининг асосланганлиги;

очиқлик ва шаффофлик.

2-боб. Норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказувчи субъектлар ҳамда уларнинг ваколатлари

5-модда. Норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳала-рининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказувчи субъектлар

Норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказувчи субъектлар қўйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмали-ри (бундан буён матнда адлия органлари деб юритилади);

норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ишлаб чиқувчилари бўл-ган давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари (бундан буён матнда юридик хизматлар деб юритилади);

тегишли норматив-хуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш ўз зимма-сига юклатилган давлат органлари ва ташкилотлари.

6-модда. Норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳала-рининг Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан ўтказиладиган корруп-цияга қарши экспертизаси

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги қўйи-даги ҳолларда норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказади:

ўз ташаббусига кўра — ҳар қандай норматив-хуқуқий ҳужжатларни, шу жумладан ўрганиш ва текширишлар натижалари бўйича норматив-хуқуқий

хужжатнинг қўлланилиши чорида коррупцияга оид хуқукбузарликлар факти аниқланган ҳолларда;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ва улар орғанларининг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқларига кўра.

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги қўидаги ҳолларда норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказади:

ўз ташабусига кўра — ҳар қандай норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини, шу жумладан жамоатчилик эътиборини тортган ва оммавий ахборот воситаларида ҳамда ижтимоий тармоқларда турли мухокама ва мунозараларга сабаб бўлган норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ва улар орғанларининг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқларига кўра.

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги норматив-хуқуқий хужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш учун бошқа давлат органларининг вакилларини, шунингдек мустақил ва илмий экспертларни ҳамда ўзга ташкилотларнинг вакилларини шартномага асосан жалб этишга ҳақли.

7-модда. Норматив-хуқуқий хужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг адлия органлари томонидан ўтказиладиган коррупцияга қарши экспертизаси

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари лойиҳаларининг;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг давлат рўйхатидан ўтказиладиган буйруқлари ҳамда қарорларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг худудий бўлинмалари:

халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) Кенгаши қарорлари лойиҳаларининг;

вилоят, туман (шаҳар) ҳокими қарорлари лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказади.

Адлия органлари норматив-хуқуқий хужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизасини қўйидагиларга асосан ўтказади:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ва улар орғанларининг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириқларига;

норматив-хуқуқий хужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш режаларига;

ўз иш режаларига;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига;
жамоатчилик назорати субъектларининг таклифлари ва тавсияларига;
норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг ижроси бўйича амалга оширилган
хуқуқий мониторинг натижаларига;

ўрганишлар жараёнида, шу жумладан бевосита жойларда ўтказилган ўр-
ганишлар жараёнида олинган (аниқланган) маълумотларга.

Адлия органлари норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши
экспертизасини ўз ташаббусига кўра ҳам ўтказиши мумкин.

Адлия органлари норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳа-
ларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш учун бошқа давлат
органларининг вакилларини, шунингдек мустақил ва илмий эксперталарни
ҳамда ўзга ташкилотларнинг вакилларини шартномага асосан жалб этиш-
га ҳақли.

8-модда. Норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳала- рининг юридик хизматлар томонидан ўтказиладиган коррупцияга қарши экспертизаси

Юридик хизматлар қўйидаги ҳолларда коррупцияга қарши экспертиза
ўтказади:

ишлаб чиқилган норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини — улар
кўриб чиқиш учун манфаатдор органларга киритилгунига қадар;

идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатларни — улар давлат рўйхатидан
ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига киритилгунига
қадар;

норматив-хуқуқий ҳужжатлар ижросининг хуқуқий мониторингини
амалга ошириш доирасида;

норматив-хуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўт-
казиш режаларига асосан.

Юридик хизматлар коррупцияга қарши экспертизани ўтказиш чоғида
тегишли давлат органининг ёки ташкилотининг бошқа таркибий бўлинмали-
рини жалб этишга, шунингдек мустақил ва илмий эксперталарни ҳамда ўзга
ташкилотларнинг вакилларини белгиланган тартибда жалб этиш тўғрисидаги
масалани қўйиш ташаббуси билан чиқишига ҳақли.

9-модда. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш ўз зиммасига юклатилган давлат органлари ва ташки- лотлари томонидан норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш

Давлат органлари ва ташкилотлари ҳар йили иш режаларига мувофик
ижроси ўз зиммасига юклатилган норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг кор-
рупцияга қарши экспертизасини ўтказади. Норматив-хуқуқий ҳужжат-
ларда коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар аниқланган тақдирда,
давлат органлари ва ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Коррупция-
га қарши курашиш агентлигига ҳамда адлия органларига ушбу омилларни
бартараф этиш юзасидан таклифлар киритади. Норматив-хуқуқий ҳуж-

жатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси натижалари жамоатчилик эътиборига етказилади.

10-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасида жамоатчиликнинг иштирок этиши

Нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг жамоатчилик экспертизасини қонунчилиқда белгиланган тартибда ўтказишга ҳақли бўлиб, ушбу экспертиза доирасида коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этишга доир таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамасида иштирок этиш доирасида коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари давлат органлари хамда ташкилотлари томонидан ўтказиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш жараёнида иштирок этиши мумкин.

Жамоатчилик томонидан тақдим этилган таклифлар ва тавсиялар тегишли давлат органлари ва ташкилотлари томонидан мажбурий равишда кўриб чиқилиши лозим.

3-боб. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги ва уларнинг лойиҳаларидаги коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар

11-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги ва уларнинг лойиҳаларидаги коррупцияни келтириб чиқарувчи асосий омиллар

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги ва уларнинг лойиҳаларидаги коррупцияни келтириб чиқарувчи асосий омиллар жумласига қўйидагилар киради:

нормаларнинг барқарорлиги ва ҳуқуқий жиҳатдан мувофиқлиги билан боғлиқ бўлган коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар;

ваколатлар, ҳуқук ва мажбуриятлар билан боғлиқ бўлган коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар;

маъмурний тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар;

назорат-текшириш фаолияти билан боғлиқ бўлган коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар.

12-модда. Нормаларнинг барқарорлиги ва ҳуқуқий жиҳатдан мувофиқлиги билан боғлиқ бўлган коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар

Нормаларнинг барқарорлиги ва ҳуқуқий жиҳатдан мувофиқлиги билан боғлиқ бўлган коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар жумласига қўйидагилар киради:

сўзларнинг нотўри қўлланилиши;
ноаниқ ва асоссиз ҳаволаларнинг қўлланилиши;
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда қарама-қаршиликларнинг мавжудлиги.

13-модда. Ваколатлар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқ бўлган коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар

Ваколатлар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқ бўлган коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар жумласига қўйидагилар киради:

дискремион ваколатларнинг кенглиги;
ваколатларнинг ноаниқлиги;
давлат органларининг бир-бирини тақорловчи ваколатлари ва вазифалари мавжудлиги;

давлат органи томонидан ўз ваколатига кирмайдиган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши;

вазифани ёки топшириқни бажариш учун ижроида зарур бўлган ваколатлар ва ресурсларнинг мавжуд эмаслиги;

ўз вақтида тартибга солинмаслик;
манфаатлар тўқнашуви;
афзалликларнинг асоссиз равишда белгиланиши;
норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг кучга киришини асоссиз равишда кечиктириш;

ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг номутаносиблиги.

14-модда. Маъмурий тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар

Маъмурий тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар жумласига қўйидагилар киради:

маъмурий тартиб-таомилларнинг мавжуд эмаслиги ёки тўлиқ эмаслиги;
белгиланган қоидалардаги истисноларнинг асоссиз равишда қўлланилиши;
ортиқча ва асоссиз талаблар белгиланиши;
вақт чегараларининг ноаниқлиги;
тўловлар миқдорларининг ноаниқлиги;
санкцияларнинг номутаносиблиги;

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳамда бюджетдан ташқари маблағлар сарфланишининг аниқ ва шаффофттартиб-таомиллари мавжуд эмаслиги;

солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаш ҳамда ундириш тартиб-таомилларининг мураккаблиги ёки ноаниқлиги;

давлат корхоналари ҳамда ўз устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган давлат харидлари билан боғлиқ масалалар бўйича аниқ ва шаффоф тартиб-таомилларнинг мавжуд эмаслиги;

хуқуқ ва имтиёзлар берувчи ҳамда маъмурий тартиб-таомилларни белгилайдиган танлов (аукцион) тартиб-таомилларидан бўйин товлаш имкониятини берувчи нормаларнинг мавжуддиги;

тадбирларни амалга ошириш усулларининг мураккаблиги ва уларни молиялаштириш манбаларининг ноаниқлиги.

15-модда. Назорат-текшириш фаолияти билан боғлиқ бўлган коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар

Назорат-текшириш фаолияти билан боғлиқ бўлган коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар жумласига қўйидагилар киради:

текшириш ва тафтиш ўтказиш тартибининг мавжуд эмаслиги;

шикоят қилиш тартибининг мавжуд эмаслиги;

шаффофликни ва жамоатчилик назоратини таъминлашдаги бўшликлар;

молиявий ва бошқа санкцияларни қўллаш ҳамда ундириш билан боғлиқ бўлган масалаларда аниқ ва шаффоф тартиб-таомилларнинг мавжуд эмаслиги;

давлат органларининг фаолияти устидан назорат қилиш шакллари ва турларининг мавжуд эмаслиги.

4-боб. Норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби

16-модда. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби

Норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси ушбу Қонуннинг 11 — 15-моддаларида назарда тутилган коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш мақсадида, ушбу Қонуннинг иловасига* мувофиқ шаклдаги чеклистни тўлдириш орқали юридик хизматлар томонидан ўтказилади.

Норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳасида коррупцияни келтириб чиқарувчи омил аниқланган тақдирда, қўйидаги ҳаракатлардан бири амалга оширилади:

аниқланган коррупцияни келтириб чиқарувчи омилни бартараф этиш чораларини кўриш;

чеклистдаги «коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар» деган устуннинг тегишли қисмига «бор» деган белгини қўйиш, коррупцияни келтириб чиқарувчи омилни ўз ичига олган хуқуқий нормани кўрсатиш, ушбу нормани бошқача тарзда баён этиш имкони мавжуд эмаслигини асослаб бериш, шунингдек коррупцияни келтириб чиқарувчи мазкур омил мавжуддиги сабабли

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон килинган.

келиб чиқиши мумкин бўлган коррупцияни келтириб чиқарувчи хавф-хатарларга йўл қўймаслик юзасидан кўрилган чора-тадбирларни баён этиш.

Агар лойиҳада коррупцияни келтириб чиқарувчи омил аниқланмаса, чеклистдаги «коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар» деган устуннинг тегишли қисмига «йўқ» деган белги қўйилади.

Чеклист тегишли давлат органи ёки ташкилоти биринчи раҳбарининг (алоҳида холларда — унинг биринчи ўринбосарининг) имзоси билан расмийлаштирилади.

Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳасининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш чоғида тўлдирилган чеклист идоравий келишиб олиш, жамоатчилик муҳокамаси ва хуқуқий экспертизадан ўтказиш, лойиҳани юқори турувчи органга ёки норматив-хуқуқий хужжат лойиҳасини қабул қилиш хуқуқига эга бўлган органга (mansabdor shaxsga) киритиш босқичларида норматив-хуқуқий хужжат лойиҳасига илова қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва адлия органлари ишлаб чиқувчи томонидан тақдим этилган чеклистни ўрганиш орқали норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказади.

Агар Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва адлия органларининг ўзи ишлаб чиқувчи бўлса ёки Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ва улар органларининг ёхуд Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғи мавжуд бўлса, норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси ушбу модданинг биринчи — бешинчи қисмларига мувофиқ чеклистни тўлдириш йўли билан ўтказилади.

Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳасининг коррупцияга қарши экспертизаси натижаларига кўра хulosada tuziladi.

Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳасининг коррупцияга қарши экспертизаси натижалари хуқуқий экспертизани ўтказиш натижалари бўйича тузила-диган хulosada ham акс эттирилиши мумкин.

Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳасида коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар аниқланган тақдирда, хulosada уларни бартараф этишга қаратилган тавсиялар ва чора-тадбирлар кўрсатилади.

Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳасининг коррупцияга қарши экспертизаси натижалари бўйича фикр-мулоҳазалар мажбурий равишда кўриб чиқиши лозим.

Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси норматив-хуқуқий хужжатни қабул қилиш хуқуқига эга бўлган органга (mansabdor shaxsga) кўриб чиқиш учун киритилаётганда лойиҳага норматив-хуқуқий хужжат лойиҳасининг коррупцияга қарши экспертизаси натижаларига кўра берилган барча хulosalar илова қилинади.

17-модда. Норматив-хуқуқий хужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби

Норматив-хуқуқий хужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси

ушбу Қонунда белгиланган норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказувчи субъектлар томонидан амалга оширилади.

Норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертиза-си ушбу Қонуннинг 11 — 15-моддаларида назарда тутилган коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш, шунингдек уларни бартараф этишга доир тавсиялар ишлаб чиқиши мақсадида, ушбу Қонун 16-моддаси-нинг иккинчи — бешинчи қисмларида назарда тутилган тартибда, ушбу Қонуннинг иловасига мувофиқ шакл бўйича чеклистни тўлдириш орқали ўтказилади.

Давлат органлари ва ташкилотлари, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиб агентлиги ҳамда адлия органлари томонидан норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси натижалари бўйича аниқланган коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этиш ёки коррупцияни келтириб чиқарувчи хавф-хатарларга йўл қўймаслик юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилади ва уларни бартараф этишга доир тегишли чоралар кўрилади.

Норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси натижаларига кўра Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиб агентлиги ва адлия органлари республика ижро этувчи ҳокимият органларига, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига, хуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ва назорат қилувчи тузилмаларга бажарилиши мажбурий бўлган тегишли тақдимномалар киритишига ҳақли.

18-модда. Норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг ёки улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси натижалари бўйича тузилган хулоса

Норматив-хуқуқий ҳужжатнинг коррупцияга қарши экспертизаси натижалари бўйича тузилган хулосада қўйидагилар кўрсатилиши керак:

коррупцияга қарши экспертизани ўтказиш асослари;

норматив-хуқуқий ҳужжатнинг реквизитлари;

коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидаги (тегишли хулоса асослантирилган ҳолда) маълумотлар;

аниқланган коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этишга доир (уларни бартараф этиш чоралари кўрсатилган ҳолда) таклифлар ва тавсиялар.

Норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳасининг коррупцияга қарши экспертизаси натижалари бўйича тузилган хулосада қўйидагилар кўрсатилиши керак:

қайси норматив-хуқуқий ҳужжатга кўра норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиши топширилган бўлса, ўша норматив-хуқуқий ҳужжат тўғрисидаги маълумотлар (номи, қабул қилинган санаси, рақами, эълон қилинган расмий манбаси, топшириқ баён этилган тегишли моддаси ёки банди (кичик банди, хатбошиси), шунингдек юқори турувчи органнинг топшириқлари тўғрисидаги маълумотлар (органнинг номи, топшириқнинг (топ-

шириқ мавжуд бўлганда) раками ва санаси, зарур бўлган тақдирда, топшириқ берган мансабдор шахс);

норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси асосий қоидалари моҳияти ва аҳамиятининг қисқача баёни, бу қоидаларнинг хуқуқий табиати тушунтирилган ҳолда;

коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотлар (тегишли хулоса асослантирилган ҳолда);

аниқланган коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этишга доир (уларни бартараф этиш чоралари кўрсатилган ҳолда) таклифлар ва тавсиялар.

19-модда. Норматив-хуқуқий хужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказувчи давлат органининг ёки ташкилотининг масъул ходими қўйидаги хуқуқларга эга:

норматив-хуқуқий хужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси ўтказилаётган норматив-хуқуқий хужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг предметига таалукли бўлган хужжатлар билан қонунчиликда белгиланган тартибда танишиш;

норматив-хуқуқий хужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш учун зарур бўлган хужжатлар ҳамда маълумотларни давлат органлари ва ташкилотларидан сўраб олиш ташабуси билан чиқиш.

Норматив-хуқуқий хужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказувчи давлат органининг ёки ташкилотининг масъул ходими қонунчиликка мувофиқ бошқа хуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Норматив-хуқуқий хужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказувчи давлат органининг ёки ташкилотининг масъул ходими:

норматив-хуқуқий хужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ташкил этиш ҳамда ўтказишнинг қонунчиликда белгиланган талабларига риоя этиши;

норматив-хуқуқий хужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш чоғида ўзини ўзи рад қилиш учун асослар мавжуд бўлганда бу хақда ўз раҳбарини зудлик билан хабардор қилиши;

тақдим этилган хужжатларнинг бут сақланишини таъминлаши шарт.

Норматив-хуқуқий хужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказувчи давлат органи ёки ташкилотининг масъул ходими зиммасига қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

20-модда. Ҳуқуқий экспертиза доирасида норматив-ҳуқуқий хужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси

Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари ҳамда адлия органлари норматив-ҳуқуқий хужжатлар лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизасини ўтказиш чоғида ушбу Қонуннинг 16-моддасига мувофиқ мазкур хужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказади.

Норматив-ҳуқуқий хужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси қонунчиликда белгиланган тартибда ҳуқуқий экспертиза муддати ичидаги ўтказилади.

Коррупцияга қарши экспертиза натижаларига кўра ушбу Қонуннинг 18-моддасига мувофиқ хulosса тузилади.

Норматив-ҳуқуқий хужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси натижалари ҳуқуқий экспертизани ўтказиш натижалари бўйича тузиладиган хulosада ҳам акс эттирилиши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий хужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси натижалари бўйича тузилган хulosha ишлаб чиқувчи томонидан мажбурий тартибда кўриб чиқилиши керак.

Вазирликлар ва идораларнинг давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган буйруқлари ҳамда қарорларининг коррупцияга қарши экспертизаси ушбу моддага мувофиқ уларнинг ҳуқуқий экспертизаси доирасида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ўтказилади.

21-модда. Жамоатчилик эътиборини тортган ва оммавий ахборот воситаларида ҳамда ижтимоий тармоқларда турли муҳокама ва мунозараларга сабаб бўлган норматив-ҳуқуқий хужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги жамоатчилик эътиборини тортган ва оммавий ахборот воситаларида ҳамда ижтимоий тармоқларда турли муҳокама ва мунозараларга сабаб бўлган, муҳокама қилиш давомида коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар мавжудлиги тўғрисида кўплаб фикрлар билдирилган норматив-ҳуқуқий хужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини тайинлашга ҳақли.

22-модда. Норматив-ҳуқуқий хужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг мустақил ва илмий экспертлар томонидан ўтказиладиган коррупцияга қарши экспертизаси

Давлат органлари ва ташкилотлари норматив-ҳуқуқий хужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш учун мустақил ва илмий экспертларни шартномага асосан жалб этишга ҳақли.

Норматив-ҳуқуқий хужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш бўйича экспертлар реестрига киритилган

илмий ташкилотларнинг ҳамда олий таълим ташкилотларининг вакиллари ва бошқа жисмоний шахслар норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказувчи мустақил ва илмий экспертлардир.

Норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг мустақил ва илмий экспертлар томонидан ўтказиладиган коррупцияга қарши экспертизаси натижаларига кўра хulosса берилади. Мазкур хulosса тегишли давлат органлари ва ташкилотлари томонидан мажбурий равишда кўриб чиқилиши лозим.

Давлат органлари ва ташкилотлари мустақил ва илмий экспертлар томонидан тақдим этилган хulosани кўриб чиқиши натижалари бўйича маълумотнома тузиб, кейинчалик уни белгиланган тартибда кўриб чиқиши учун мустақил ва илмий экспертларга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигига ҳамда Адлия вазирлигига юборади.

23-модда. Норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш бўйича экспертлар реестри

Норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш бўйича экспертлар реестри Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан юритилади.

Норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш бўйича экспертлар реестрини шакллантириш ҳамда юритишга, шунингдек коррупцияга қарши мустақил ва илмий экспертизани ўтказувчи шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

5-боб. Якунловчи қоидалар

24-модда. Норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказишга оид фаолиятни услубий жиҳатдан таъминлаш ҳамда мониторинг қилиш

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги давлат органлари ва ташкилотлари томонидан норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси ўтказилиши чоғида уларга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда услубий ёрдам кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳамда адлия органлари норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ташкил этиш ҳамда ўтказишнинг барча босқичларида норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг

коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этилиши юзасидан мониторингни амалга оширади.

25-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш

1. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январда қабул қилинган «**Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида**»ги ЎРҚ-419-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 1, 1-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 11, 1061-модда) **24-моддасининг иккинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси «Норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган тартибда ўтказилади»;

2. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 апрелда қабул қилинган «**Норматив-хуқуқий ҳужжатлар тўғрисида**»ги ЎРҚ-682-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 4, 288-модда; 2022 йил, № 3, 213-модда, № 8, 788-модда, № 10, 983-модда) **29-моддасининг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси «Норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган тартибда ўтказилади».

26-модда. Норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик

Норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

27-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

28-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамаси:
хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиурсин;
республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўл-

ган ўз норматив-хукуқий хужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

29-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 8 август,
ЎРҚ-860-сон

УЧИНЧИ БЁЛИМ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИГ
ҚАРОРИ**

353 Давлат активларини сотиш учун халқаро ҳамда маҳаллий маслаҳатчини ёки ташкилотларни жалб этишда энг яхши таклифларни танлаб олиш тартибини белгилаш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2023 йил 24 мартағи ПҚ-101-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда давлат активларини сотиш учун халқаро ҳамда маҳаллий маслаҳатчини ёки ташкилотларни жалб этишда энг яхши таклифларни танлаб олиш жараёнини очиқлик ва ошкоралик тамойиллари асосида амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2023 йил 24 мартағи ПҚ-101-сон қарорига мувофиқ давлат активларини сотиш учун халқаро ва маҳаллий маслаҳатчини ҳамда ташкилотларни жалб этишда энг яхши таклифларни танлаб олиш хусусиятларини белгилаш назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутивчи Давлат активларини сотиш учун халқаро ҳамда маҳаллий маслаҳатчини ёки ташкилотларни жалб этишда энг яхши таклифларни танлаб олиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан:

Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича давлат комиссиясининг тегишли қарори ва топшириқларига асосан давлат активларини сотиш учун халқаро ҳамда маҳаллий маслаҳатчини ёки ташкилотларни жалб этиш;

харид комиссиясини ташкил этиш ва унинг фаолият юритиш тартиби ҳамда ваколатларини белгилаш;

танлов ҳужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш, экспертизадан ўтказиш ва эълонларни жойлаштириш тартиби;

Давлат активларини бошқариш агентлигининг расмий веб-сайти орқали харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларининг таклифларини қабул қилиш;

харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш мезонларини белгилаш;

танлов натижаларини расмийлаштириш тартиби.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилик мурасимининг тартиби.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллый базаси»да 2023 йил 11 авгуустда эълон қилинган.

ликаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директори А.Ж. Ортиқов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 10 август,
352-сон

Вазирлар Махкамасининг
2023 йил 10 августдаги 352-сон қарорига
ИЛОВА

**Давлат активларини сотиш учун халқаро ҳамда маҳаллий
маслаҳатчини ёки ташкилотларни жалб этишда энг яхши
таклифларни танлаб олиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом давлат активларини сотиш учун халқаро ҳамда маҳаллий маслаҳатчини ёки ташкилотларни жалб этишда энг яхши таклифларни танлаб олиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

халқаро ҳамда маҳаллий маслаҳатчи ёки ташкилотлар — халқаро ҳамда маҳаллий консультантлар, консалтинг, аудиторлик ва юридик маслаҳатчи ҳамда ихтисослашган бошқа ташкилотлар, жумладан, халқаро ва маҳаллий компаниялар ҳамда профессионал ташкилотлар;

танлов — харид қилиш тартиб-таомилларига асосан икки ва ундан ортиқ иштирокчидан Давлат активларини бошқариш агентлигининг (кейинги ўринларда — Давактив агентлиги) расмий веб-сайтида жойлаштирилган эълонга мувофиқ қабул қилинган таклифларни таққослаш асосида энг яхши таклифни танлаб олиш орқали харидларни амалга ошириш усули;

харид комиссияси — Давактив агентлиги директорининг тегишли буйруғига асосан Давактив агентлигининг марказий аппаратида фаолият олиб борадиган раҳбар ходимлардан иборат таркибда шакллантириладиган коллекциял орган;

харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси — харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этиш учун Давактив агентлигининг расмий веб-сайти орқали таклиф юборган жисмоний ёки юридик шахс;

ғолиб — харид қилиш тартиб-таомиллари яқунларига кўра таклифи энг мақбул деб топилган харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси;

захирадаги ғолиб — харид қилиш тартиб-таомиллари яқунлари бўйича харид комиссиясининг қарорига мувофиқ ғолибнинг таклифидан кейинги

энг мақбул таклифни тақдим этган деб топилган харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси.

3. Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича давлат комиссиясининг тегишили қарори ва топшириқларига асосан давлат активларини сотиш учун халқаро ҳамда маҳаллий маслаҳатчи ёки ташкилотлар жалб этилади.

4. Харид комиссияси харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари таклифларининг танлов хужжатларига мувофиқлигини баҳолайди ҳамда ғолибни аниқлайди.

5. Харид комиссияси тоқ сонли аъзолардан иборат бўлиб, унинг таркиби ва аъзоларининг сони харид қилиш тартиб-таомилининг турига боғлиқ бўлади ҳамда қонунчиликка мувофиқ ва харид қилинаётган хизматнинг хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда ўзгартирилиши мумкин.

6. Харид комиссияси аъзолари холис бўлиши ва харид қилиш тартиб-таомили ғолибини танлашда ҳамда харидга доир битимнинг натижаси бўлган ҳар қандай шахсий фойдани бевосита ёки билвосита олишдан шахсий манфаатга эга бўлмаслиги лозим.

7. Харид комиссиясининг фаолияти унинг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмаган масъул котиби томонидан ташкил этилади.

8. Харид комиссиясининг барча хужжатлари масъул котибда сақланади ва масъул котиб мазкур хужжатларнинг бут сақланиши учун жавобгар хисобланади.

9. Харид комиссияси раисининг ва (ёки) унинг аъзоларининг аффилланганлик хусусиятига эга алоқалари мавжуд бўлганда, танловни ўтказиш жарайёнида янги харид комиссияси раиси қайта тайинлангунига қадар тўхтатилиди ва (ёки) унинг аъзолари овоз беришда иштирок этмайди.

10. Харид комиссиясининг мажлислари харид комиссияси аъзолари хозирлигига, яъни юзма-юз, шунингдек, мажлислар видеоконференциялар (телеконференциялар ва бошқалар) шаклида ҳам ўтказилиши мумкин.

11. Харид комиссиясининг қарори харид комиссияси аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

12. Овозлар teng бўлиб қолган тақдирда, харид комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи овоз бўлади.

2-боб. Харид комиссиясининг вазифалари

13. Харид комиссияси қўйидаги вазифаларни бажаради:

харид қилиш хужжатларини (эълон, техник топшириқ, шартнома лойиҳалари ва бошқа хужжатлар) келишади (тасдиқлайди);

танлов иштирокчилари таклифларининг харид хужжатларига мувофиқлигини баҳолайди;

харид қилиш тартиб-таомиллари ғолибини ва зарур бўлганда, захирадаги ғолибни аниқлайди ёки танловни амалга ошмаган деб топади.

14. Харид комиссияси қўйидаги мажбуриятларга эга:

харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиша давлат харидлари соҳасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик;

харид комиссияси аъзолари бошқа шахс билан муносабатларда, агар бундай ахборотни ошкор этмаслик давлат хавфсизлиги манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлса ёки бундай ахборотнинг ошкор этилиши қонунчиликка зид бўлса, уларга риоя этилишини таъминлашга монелик қилса, харид жараёни субъектларининг қонуний манфаатларига зарар етказса ёхуд инсофли рақобатга тўсқинлик қилса, давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган бундай ахборотни ошкор этиш тўғрисида қарор қабул қилмаса, ҳеч бир ахборотни ошкор этмаслик.

15. Харид комиссияси ўзи қабул қилган қарорларнинг қонунчилик талабларига мувофиқлиги, асослилиги ва беғаразлиги учун жавобгар бўлади.

16. Харид комиссияси харидларнинг бошқа субъектлари томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар учун жавобгар бўлмайди.

3-боб. Танлов ҳужжатларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш, экспертизадан ўтказиш ва танлов ўтказилиши тўғрисидаги эълонларни жойлаштириш

17. Танлов ҳужжатлари Давактив агентлиги томонидан ишлаб чиқилади ҳамда харид комиссияси томонидан тасдиқланади.

Танлов ҳужжатлари қонунчиликка мувофиқ белгиланган ҳолларда экспертизадан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳузуридаги «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» давлат унитар корхонасига тақдим этилади.

18. Танлов ҳужжатларини (шартнома лойиҳаси, техник топшириқ ва бошқа ҳужжатлар) ҳимоя қилиш, заруратга кўра экспертизадан ўтказиш вазифаси Давактив агентлиги томонидан амалга оширилади.

19. Танлов ҳужжатлари тегишли тартибда экспертизадан ўтказилганидан сўнг харид комиссияси танлов ўтказилиши тўғрисида Давактив агентлигининг расмий веб-сайти орқали эълон жойлаштиради.

Бунда танлов бўйича эълон танлов ўтказилишидан камида 15 (ўн беш) кун олдин жойлаштирилади.

20. Давлат активларини сотиш учун халқаро ҳамда маҳаллий маслаҳатчими ёки ташкилотларни жалб этиш бўйича таклифлар Давактив агентлигининг расмий веб-сайти орқали қабул қилинади.

4-боб. Танловни ўтказиш натижаларини расмийлаштириш тартиби

21. Харид комиссияси харид қилиш тартиб-таомиллари якунларига кўра келиб тушган таклифларни мазкур Низомга 1-иловада* белгиланган мезонларга мувофиқ кўриб чиқади ҳамда энг яхши таклифларни танлаб олади.

22. Давлат активларини сотиш учун халқаро ҳамда маҳаллий маслаҳатчими ёки ташкилотларни жалб этишда энг яхши таклифлар мазкур Низомга 2-иловага* мувофиқ схемада кўрсатилган босқичларда танлаб олинади.

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

23. Танлов натижалари бўйича баённома харид комиссияси томонидан расмийлаштирилади.

24. Танлов натижаларига доир шартнома танлов бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилётган танлов ғолиби томонидан тақдим этилган таклифда назарда тутилган шартлар асосида ғолиб аниқланган вақтдан бошлаб 10 (ўн) иш кунидан кечиктирмасдан тузилади.

Ғолиб шартнома тузишдан бош тортган тақдирда, харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланган бўлса, шартнома тузиш ва унга доир мажбуриятларни бажариш ҳуқуқи захирадаги ғолибга ўтади.

Бунда захирадаги ғолиб танлов ғолиби томонидан таклиф этилган нархда (захирадаги ғолиб таклиф этган нарх ғолиб томонидан таклиф этилган нархдан паст бўлган ҳоллар бундан мустасно) шартнома тузади ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин.

25. Захирадаги ғолиб билан шартнома захирадаги ғолибга таклиф берилган кундан бошлаб 10 (ўн) иш кунидан кечиктирмасдан тузилади.

26. Агар харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланмаган бўлса ёки захирадаги ғолиб шартнома тузишдан бош тортса, харид комиссияси янги танлов ўтказади.

27. Давактив агентлиги томонидан шартнома ва тегишли харид ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Фазначилик хизмати қўмитасига рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилади.

5-боб. Якунловчи қоидалар

28. Харидларни расмийлаштириш, тузилган шартномалар бўйича ҳисоб-китоб қилиш, шартномавий мажбуриятлар бажарилишини мониторинг қилиш, шикоятларни, низо ва келишмовчиликларни кўриб чиқиш ҳамда харид қилиш тартиб-таомилларининг давлат назорати қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

29. Харид қилиш тартиб-таомили натижаси бўйича тузилган шартноманинг қўйидаги муҳим шартларига:

хизматни ўзгартиришга;

хизматнинг сифатини ва турларини ўзгартиришга;

хизматнинг ҳажмини ва баҳосини оширишга;

хизмат кўрсатиш муддатини узайтиришга (форс-мажор холатлар бундан мустасно);

амалга оширилиши лозим бўлган қўшимча ишлар ва кўрсатиладиган хизматлар қийматини шартнома бўйича унинг умумий бошланғич суммасининг 10 фоизидан кўп бўлган суммага оширишга йўл қўйилмайди.

30. Ушбу Низом қоидалари қўлланиши билан боғлиқ низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

31. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор деб топилган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

354 Фавқулодда вазият рўй бериш хавфи ёки фавқулодда вазият рўй берганлиги ҳақида хабар беришнинг автоматлаштирилган тизимини ривожлантириш ҳамда ундан самарали фойдаланишни ташкил этиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»-ги ва «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида»ги қонунлари ижросини таъминлаш, аҳолига фавқулодда вазият рўй бериш хавфи ёки фавқулодда вазият рўй берганлиги ҳақида хабар беришнинг автоматлаштирилган тизимини ривожлантириш ҳамда ундан самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди:**

1. Қуйидагиларни назарда тутивчи Фавқулодда вазият рўй бериш хавфи ёки фавқулодда вазият рўй берганлиги ҳақида хабар беришнинг автоматлаштирилган тизимини ривожлантириш ҳамда ундан самарали фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан:

Фавқулодда вазият рўй бериш хавфи ёки фавқулодда вазият рўй берганлиги ҳақида хабар беришнинг автоматлаштирилган тизимининг (кейинги ўринларда — хабар бериш тизими) асосий мақсад ва вазифалари;

хабар бериш тизимининг таркиби;

хабар бериш тизимини яратиш, ишга тушириш, сақлаш ва ундан фойдаланиш тартиби;

хабар бериш тизимининг тайёрлигини текшириш ва баҳолаш тартиби.

2. 2023 — 2028 йилларда республика даражасидаги ва маҳаллий даражадаги хабар бериш тизимини ривожлантириш учун терминал комплексларини харид қилиш дастури 2-иловага** мувофиқ тасдиқлансан.

3. Қуйидагилар хабар бериш тизимини яратиш буюртмачиси этиб белгилансан:

республика ва маҳаллий даражаларда — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги;

локал даражада — бўйсунувидаги фавқулодда вазият таъсири обьект ҳудудидан ташқарига чиқадиган потенциал хавфли обьект мавжуд бўлган ташкилотлар;

обьект даражасида — таъсири обьект ҳудудидан ташқарига чиқмайдиган фавқулодда вазият рўй бериши мумкин бўлган потенциал хавфли обьектлар ҳамда бир вақтнинг ўзида ходимлар ва ташриф буюрвчиларнинг сони эллик ва ундан ортиқ нафарни ташкил этадиган ташкилотлар.

4. Белгилаб қўйилсанки:

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги хабар бериш тизимини ривожлантириш ҳамда ундан самарали фойдаланишни ташкил

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 14 августда эълон қилинган.

** 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

этиш соҳасидаги тадбирларга умумий раҳбарлик қилувчи ва мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади;

локал ва объект даражаларида хабар бериш тизимини яратиш ҳамда ривожлантириш бўйича барча техник, лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан келишилиши шарт.

5. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги:

2023 — 2028 йилларда республика ва маҳаллий даражадаги хабар бериш тизимини ривожлантириш учун терминал комплексларини харид қилиш дастурида тегишли йил учун белгиланган кўрсаткичлар ўз муддатида бажарилишини таъминласин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда барча даражаларда ги хабар бериш тизимларини яратиш ва ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган тадбирларни ҳамда ушбу тизимларнинг тайёргарлик ҳолатини бир йилда бир марта ўрганишни ташкил этсин ва натижалари бўйича Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб борсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги муассислигидаги «UNICON.UZ» фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази» масъулияти чекланган жамияти фавқулодда вазият рўй бериш хавфи ёки фавқулодда вазият рўй берганлиги ҳақида хабар беришнинг ахборот тизимлари, маълумотлар базалари, лойиҳа ҳужжатлари, шу жумладан, техник топшириқ ва техник иқтисодий ҳисобларни ҳамда аппарат-дастурий тизим ва техник воситаларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш бўйича ягона интегратор этиб белгилансин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлклари:

фавқулодда вазият рўй бериш хавфи тўғрисида ёки фавқулодда вазият рўй берганлиги ҳақида аҳолига ўз вақтида хабар беришни ва ахборот узатишини таъминласин;

аҳолини хабардор қилиш ва аҳолига ахборот узатишининг маҳсус техник воситаларини ўрнатиш учун жойлар, шунингдек, оммавий ахборот воситаларида эфир вақти ажратилишида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигига кўмаклашсан.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Фавқулодда вазиятлар хавфи ёки содир бўлганлиги ҳақида Ўзбекистон Республикаси аҳолисига хабар бериш ва маълумот (ахборот) етказишининг автоматлаштирилган тизимини яратиш ва ривожлантириш тўғрисида» 2017 йил 8 августдаги 601-сон карори ўз қучини ўйқотган деб ҳисоблансан.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазири А.Х. Кўлдошев ва Ўзбекис-

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тон Республикаси рақамли технологиялар вазири Ш.Х. Шерматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 11 август,
361-сон

Вазирлар Махкамасининг
2023 йил 11 августдаги 361-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Фавқулодда вазият рўй бериш хавфи ёки фавқулодда
вазият рўй берганлиги ҳақида хабар беришнинг
автоматлаштирилган тизимини ривожлантириш ҳамда
ундан самарали фойдаланиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом фавқулодда вазият рўй бериш хавфи ёки фавқулодда вазият рўй берганлиги ҳақида хабар беришнинг автоматлаштирилган тизими асосий мақсади ва вазифалари, таркиби, уни яратиш (ишга тушириш), сақлаш, ундан фойдаланиш ҳамда тайёрлигини баҳолаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

фавқулодда вазият рўй бериш хавфи ёки фавқулодда вазият рўй берганлиги ҳақида хабар беришнинг автоматлаштирилган тизими — фавқулодда вазият рўй бериш хавфи ёки фавқулодда вазият рўй берганлиги ҳақидаги маълумотларни тўплаш, сақлаш, уларга ишлов бериш ва уларни тарқатиш, шунингдек, фавқулодда вазиятларда ахолининг харакат қилиш ва муҳофаза усуллари, юзага келган вазият тўғрисида ахолига хабар бериш ва маълумотларни етказишида барча жараёнларни реал вақт кўламида мониторинг қилиш дастурий-техник воситалари мажмуи;

маълумотлар маркази — фавқулодда вазият рўй бериш хавфи ёки фавқулодда вазият рўй берганлиги ҳақидаги маълумотларни қабул қилиш, тўплаш, сақлаш, уларга ишлов бериш ва уларни тарқатиш хизмати;

терминал комплекси — маълумотларни қабул қилиш, уларга ишлов бериш ҳамда аудио ва визуал хабарларни акс эттириш, шунингдек, одамлар оммавий йиғиладиган жойлардаги ҳолат ҳақидаги маълумотларни ахборот марказига ахборотлаштириш воситалари орқали қабул қилиш ва тарқатиш воситалари;

охирги қурилмалар — рупорлар, электросиреналар, овоз чиқарувчи карнайлар ва бошқалар;

огоҳлантириш сигнали — Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими томонидан аҳолига табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларда хабар бериш ҳамда фуқаро муҳофазаси тадбирларини ўтказиш даврида фуқаро муҳофазаси органлари ва кучларини хабардор этишда қўлланиладиган сигнал;

шошилинч хабар — фавқулодда вазият рўй бериш хавфи ёки фавқулодда вазият рўй берганлиги ҳақида ҳамда ушбу вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш қоидлари ва муҳофаза қилиш усуллари тўғрисида хабар бериш тизимлари орқали аҳолига узатилиши мумкин бўлган маълумот (ахборот)лар;

фавқулодда вазиятларда хабар бериш ҳудуди — одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига бевосита таҳдид соладиган табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар рўй бериш хавфи мавжуд бўлган ҳудуд.

3. Фавқулодда вазият рўй бериш хавфи ёки фавқулодда вазият рўй берганлиги ҳақида хабар беришнинг автоматлаштирилган тизими (кейинги ўринларда — хабар бериш тизими) республика, маҳаллий, локал ва обьект даражаларига эга.

2-боб. Хабар бериш тизимининг асосий мақсади ва вазифалари

4. Хабар бериш тизимининг асосий мақсади — аҳолини ҳамда Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими (кейинги ўринларда — ФВДТ) фавқулодда вазият рўй бериши хавфи ёки фавқулодда вазият рўй берганлиги тўғрисида ишончли ва тезкор маълумотлар билан таъминлашдан иборат.

5. Қўйидагилар хабар бериш тизимининг асосий вазифалари ҳисобланади:

фавқулодда вазият рўй бериш хавфи ёки фавқулодда вазият рўй берганлиги ҳақида маълумотларни тўплаш, сақлаш, уларга ишлов бериш ва уларни етказиш технологик жараёнини автоматлаштириш;

дастурий таъминот ва техник қурилмалар орқали ФВДТ таркибида кирувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотларга ҳамда аҳолига шошилинч хабар бериш, шунингдек, юзага келган вазият бўйича тезкор маълумотларни ва фуқаро муҳофазаси сигналларини автоматлаштирилган ҳолда етказиш;

одамлар кўп йиғиладиган жойларда хабар бериш тизимида уланган терминал комплексларининг дастурий таъминоти орқали видео ёки аудио тарзда рўй бериши мумкин бўлган ёки рўй берган фавқулодда вазиятда тўғри ҳаракат қилиш тартиби ва муҳофазаланиш усуллари бўйича маълумотларни етказиш.

3-боб. Хабар бериш тизимининг таркиби

6. Хабар бериш тизими даражасига кўра қўйидагиларга шошилинч хабар беришни, шунингдек, фуқаро муҳофазаси сигналлари ҳамда тезкор маълумотлар етказилишини таъминлайди:

а) республика даражасидаги хабар бериш тизими:

ФВДТ функционал ва худудий қўйи тизимлари раҳбарларига; худудий Фавқулодда вазиятлар бошқармаларига;

ФВДТ ва давлат бошқаруви органларининг ягона навбатчи-диспетчерлик хизматларига;

республиканинг барча ахолисига;

б) маҳаллий даражадаги хабар бериш тизими:

ФВДТ худудий қўйи тизимининг бошқарув органлари ва хизматлари раҳбарлари ҳамда кучларига;

туман ва шаҳар фавқулодда вазиятлар бўлимларига;

тегишили равишда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ахолисига;

в) локал даражадаги хабар бериш тизими:

тегишили маҳаллий даражадаги ахборот марказларига;

фавқулодда вазият зонасида жойлашган ахолига;

авария ёки фавқулодда вазият рўй берган объектнинг ихтиослаштирилган қутқарув бўлинмаларига;

г) объект даражасидаги хабар бериш тизими — ушбу объект ишчиларига.

7. Шунингдек, хабар бериш тизимлари республика, маҳаллий ва объект ахборот марказлари, терминал комплекслари ва тарқалган автоматлаштирилган қўйи бўғимларидан иборат бўлади.

Республика ахборот маркази — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш ва бошқариш республика миллий марказида ташкил этилади. Ушбу марказ режалаштириш ва ахборот операцияларини амалга ошириш, қўйи ахборот марказлари фаолиятини назорат қилиш, маълумотларни таҳлил қилиш, республика даражасидаги хабар бериш тизимининг фаолиятини назорат қилиш учун мўлжалланган.

Маҳаллий ахборот маркази — худудий фавқулодда вазиятлар бошқармаларида ташкил этилади. Ушбу марказ режалаштириш ва ахборот операцияларини амалга ошириш, жавобгарлик худудидаги терминал комплексларининг трансляцияларини бошқариш, маълумотларни таҳлил қилиш, маҳаллий даражадаги хабар бериш тизимининг фаолиятини назорат қилиш учун мўлжалланган.

Объект ахборот маркази — таъсири объект худудидан ташқарига чиқмайдиган фавқулодда вазият рўй бериши мумкин бўлган потенциал хавфли объектлар ҳамда бир вақтнинг ўзида ходимлар ва ташриф буюрувчиларнинг сони эллик ва ундан ортиқ нафарни ташкил этадиган ташкилотларда ташкил этилади. Ушбу марказ ахборот операцияларини амалга ошириш, жавобгарлик худудидаги терминал комплексларнинг трансляцияларини бошқариш, объект даражасидаги хабар бериш тизимининг фаолиятини назорат қилиш учун мўлжалланган.

Потенциал хавфли объектларнинг объект ахборот маркази техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатларга мувофиқ зарар етиши мумкин бўлган зоналардаги ахолига хабар бериш ва маълумот етказишини таъминлаши керак.

8. Терминал комплексларининг таркибига улар ўрнатилган жойларга кўра қўйидагилар киради: ахборот таблоси, ўтувчи ёзувлар қурилмаси, товушни кучайтирувчи воситалар, видеокузатув камералари, радиацион ва кимёвий назорат воситалари ва бошқалар.

9. Тарқалган автоматлаштирилган қўйи тизимлар ахборот марказлари ва терминал комплекслари орасида ўйғунликни таъминлаш учун мўлжалланган бўлиб, оммавий ахборот етказиш, кузатиш ва маълумот тўплаш, алоқа ва ахборот узатиш, ахборот хавфсизлиги, радиацион ва кимёвий назорат, товушли сигнал ва маълумотларни узатиш, хабар бериш тизимини бошқариш ва назорат қилиш ҳамда бошқа қўйи тизимларини ўз ичига олади.

4-боб. Хабар бериш тизимини яратиш, ишга тушириш, сақлаш ва ундан фойдаланиш тартиби

10. Хабар бериш тизими ушбу Низомга 1-иловага* мувофиқ ташкилий-функционал тузилма асосида яратилади (ривожлантирилади).

11. Республика ва маҳаллий даражадаги хабар бериш тизимлари — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг бюджет маблағлари доирасида, бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда халқаро молия институтларининг грант маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар хисобидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан ҳамкорликда яратилади ва сақланади.

12. Локал даражадаги ва объект даражасидаги хабар бериш тизимлари — ташкилотларга ажратилган давлат бюджети маблағлари, доирасида, бюджетдан ташқари маблағлар ҳамда халқаро молия институтларининг грант маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар хисобидан яратилади ва сақланади.

13. Ўзбекистон Республикаси худудида фаолиятни амалга оширувчи ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг сўровлари бўйича республика даражасидаги, маҳаллий ва локал даражадаги хабар бериш тизими қурилмаларини монтаж қилиш учун хоналар, майдонлар, антenna-мачта қурилмалари ва бошқа объектларни тақдим этилишида, шунингдек, ўз худудларида ўрнатилган хабар бериш тизими қурилмаларининг сақланишида амалий ёрдам кўрсатадилар.

14. Хабар бериш тизими фаолияти учун мўлжалланган боғловчи линиялар ва маълумотларни узатиш каналлари Ўзбекистон Республикаси Рақамили технологиялар вазирлиги томонидан устувор тартибда телекоммуникация хизмат тарифларини камайтириш бўйича ташкилотнинг имтиёзини хисобга олган ҳолда, шартнома асосида тақдим этилади.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Рақамили технологиялар вазирлигининг тасарруфида хабар бериш тизими мавжуд бўлган ташкилотлар билан шартнома тузган тегишли бўлинмаларига шартнома шартларига мувофиқ боғловчи линиялар ва маълумотларни узатиш каналларининг созлиги учун тўлиқ жавобгарлик юкланди.

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

15. Республика даражасидаги, маҳаллий ва локал даражадаги хабар бериш тизимларини фойдаланишга қабул қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади.

16. Маҳаллий ва локал даражадаги ҳамда объект даражасидаги хабар бериш тизимларидан фойдаланиш тўғрисидаги низомлар ушбу Низом асосида ишлаб чиқилади ва тегишли фуқаро муҳофазаси бошлиқлари томонидан тасдиқланади.

17. Республика даражасидаги, маҳаллий ва локал даражадаги ҳамда объект даражасидаги хабар бериш тизимлари фавқулодда вазият рўй бериши ҳавфи ёки фавқулодда вазият рўй берганда:

республика даражасида — Ўзбекистон Республикаси Фуқаро муҳофазаси бошлиғи қарорига ва Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазири буйруғига мувофиқ;

маҳаллий даражада — Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирининг буйруғига ёки Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳамда туманлар (шаҳарлар) фуқаро муҳофазаси бошлиқлари қарорларига мувофиқ;

локал даражада — тасарруфида локал даражадаги хабар бериш тизими мавжуд бўлган ташкилот раҳбарияти қарорига мувофиқ;

объект даражасида — тасарруфида объект даражасидаги хабар бериш тизими мавжуд бўлган объект раҳбарияти қарорига мувофиқ ишга туширилади.

Локал даражадаги ва объект даражасидаги хабар бериш тизимлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, Фавқулодда вазиятлар бошқармалари бошлиқлари буйруқларига асосан ишга туширилиши мумкин.

18. ФВДТ кундалик бошқарув органларининг навбатчилари (навбатчи-диспетчерлари) тизимида хабар бериш сигналларини ёки шошилинч ҳабарларни олиши билан уларнинг олганлигини тасдиқлайди ва зудлик билан фавқулодда вазият рўй бериши мумкин бўлган ёки рўй берган ҳудудларнинг юқори турувчи давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқарув органларининг раҳбарларига, шунингдек, ФВДТнинг тегишли даражалардаги бошқарув органларига етказади.

19. Барча даражадаги хабар бериш тизимлари орқали фавқулодда вазиятлар тўғрисида хабар бериш, маълумотлар ва сигналлар узатиш автоматик, автоматлаштирилган ёки кўлда ишлатиш режимларида амалга оширилиши мумкин.

Автоматик иш режимида хабар бериш тизимига боғланган мониторинг кузатиш қурилмалари орқали тўғридан-тўғри ҳавфли табиат ҳодисалари ёки гидротехника иншоотларида содир бўлиши мумкин бўлган ҳодисалар тўғрисидаги сигналларга мувофиқ тизимга олдиндан киритилган сценарий дастурларига асосан фаоллашиб, тизимдан фойдаланиш (ишга тушириш) навбатчи-диспетчерлик хизматлари навбатчиларининг иштирокисиз амалга оширилади.

Автоматлаштирилган иш режимида хабар бериш тизимини ишга туши-

риш буйруқ ва кўрсатмалар асосида навбатчи-диспетчерлик хизматининг ушбу тизимни ишга тушириш хуқуқига эга бўлган навбатчилари томонидан амалга оширилади.

Кўлда ишга тушириш режимида потенциал хавфли объектларда ўрнатилган хабар бериш тизимининг охирги қурилмалари объект раҳбарининг буйруқ ва кўрсатмаларига асосан навбатчи-диспетчерлик хизмати навбатчилари томонидан бошқарилади.

Автоматик иш режими барча даражадаги хабар бериш тизимининг асосий режими хисобланади. Навбатчи-диспетчерлик хизмати мавжуд бўлган объектларда хабар бериш тизимларининг автоматлаштирилган режимда ишлашига рухсат берилади.

20. Хабар бериш сигналлари ва фавқулодда вазият тўғрисидаги ҳолат ҳақидаги ахборот ахолига фуқаро муҳофазасининг «Диққат ҳаммага!» сигналини бериш орқали етказилади. Бунда электросиреналар ва рупорли овоз кучайтиргичлар орқали З дақиқагача огоҳлантирувчи сигналлар узатилади.

21. Огоҳлантириш сигналларидан сўнг телевидение ва радиоканаллар ҳамда интернет тармоқлари орқали юзага келган фавқулодда вазиятлар тўғрисидаги маълумот (ахборот)лар 5 дақиқадан кўп бўлмаган видео ва аудио ёки матн кўринишида эфирга узатилади.

22. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва унинг худудий бошқармаларининг ахборот марказлари томонидан хабар бериш сигналлари ва фавқулодда вазиятлар тўғрисидаги маълумотлар тўғридан-тўғри ФВДТ таркибига киравчи вазирлик ва идораларнинг раҳбарияти ва кундалик бошқарувдаги навбатчи-диспетчерлик хизматларига овозли ёки СМС кўринишида хабар бериш тизими орқали узатилади.

23. Хабар бериш ва фуқаро муҳофазаси сигналлари ҳамда фавқулодда вазиятлар тўғрисидаги маълумотларни узатишда уларнинг уч марта такрорланишига рухсат берилади (мобил алоқа операторлари тизимлари учун хабарни узатишни такрорлаш олдинги хабарни узатиш тугаллангандан сўнг амалга оширилади).

24. Ҳудудларда юзага келиши мумкин бўлган ҳақиқий ва прогноз қилинаётган фавқулодда вазиятлар тўғрисидаги маълумот (ахборот)ларни ахолига етказиш учун видео ва аудио, шунингдек, матн ва график кўринишидаги хабарлар Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг матбуот хизмати ҳамда Миллий телерадиокомпания билан ҳамкорликда олдиндан ёки юзага келган вазиятдан келиб чиқиб тайёрланади.

25. Ахолига хабар бериш ва фуқаро муҳофазаси сигналлари ҳамда фавқулодда вазиятлар тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида етказилишини таъминлашда қўйидаги хабар бериш воситаларидан ўрнатилган тартибда фойдаланишга ҳам рухсат берилади:

- электросирена ва рупорли овоз кучайтиргичлар;
- телевидение тармоқлари;
- радиоэшиттириш тармоқлари;
- мобил алоқа тармоқлари;
- кенг форматли мониторлар;

Интернет жаҳон ахборот тизими ресурслари;

мобил ҳаракатланувчи техникаларда баланд овоз чиқарувчи акустик воситалар ва кўчма хабар бериш қурилмалари (хабар бериш тизими қамраб олмаган ҳудудларда қўлланилиши мумкин).

26. Телерадиокомпания ва телерадиоэшиттириш тармоқлари орқали трансляция қилиш учун навбатчи-диспетчерлик хизматларининг ахолига хабар бериш ва фавқулодда ҳолат тўғрисидаги маълумотларни узатиш бўйича ҳаракатлари тартиби Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Ўзбекистон Миллӣ телерадиокомпанияси томонидан белгиланади.

27. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият қўрсатадиган мобил алоқа операторлари орқали ахолига хабар бериш ва маълумотларни етказиши тартиби Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги томонидан белгиланади.

28. ФВДТ таркибида киравчи вазирлик ва идора раҳбарларига фавқулодда вазиятлар рўй бериш хавфи ёки фавқулодда вазият рўй берганлиги тўғрисидаги хабарни етказиши ушбу Низомга 2-иловага* мувофиқ схема асосида ташкил этилади.

29. Тасарруфида хабар бериш тизими мавжуд бўлган барча ташкилотлар хабар бериш тизимига фойдаланиш-техник хизмат қўрсатиш учун зарур бутловчи ва таркибий қисмлар захирасини яратадилар.

30. Хабар бериш тизимига алоқа ва ахборотлаштириш воситаларидан фойдаланиш, уларни созлаш ва хизмат қўрсатиш соҳасида фаолият юритувчи ташкилотлар ўртасида ҳар йили тузиладиган шартномалар асосида хабар бериш тизими мавжуд ташкилотларга ҳар йили ажратиладиган давлат бюджети маблағлари доирасида техник хизмат қўрсатилади.

31. Тасарруфида хабар бериш тизими қурилмалари мавжуд бўлган вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар томонидан мавжуд хабар бериш тизимини фойдаланишдан чиқаришда, уларни модернизация қилиш (реконструкция қилиш) ишлари якунланиб, янги хабар бериш тизими фойдаланишга топширилгандан кейингина демонтаж қилишга рухсат этилади.

32. Кундалик фаолият режимида терминал комплексларидан ижтимоий реклама, реклама-маркетинг ва бошқа ижтимоий муҳим маълумотлар трансляцияси учун фойдаланиш мумкин.

Бунда кундалик фаолият режимида реклама материаллари трансляцияси терминал комплекси экранларида эфир вақтининг етмиш беш фойизидан ортиқ бўлмаган ҳажмда қилиниши мумкин. Қолган вақтда уларда ахолини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, фуқаро муҳофазаси ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш соҳаларида тайёрлаш ҳамда жамоат тартибини сақлаш бўйича ахборотлар трансляция қилинади.

33. Кучайтирган фаолият режимида реклама материаллари трансляцияси терминал комплекси экранларида эфир вақтининг эллик фойизидан ортиқ бўлмаган ҳажмда трансляция қилиниши мумкин. Қолган вақтда улар орқали ахолига юзага келаётган вазият тўғрисида ахборотлар, фавқулодда вазият-

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси»да эълон қилинган.

ларнинг олдини олиш ёки оқибатларини камайтириш бўйича тавсиялар, ахолининг ҳамда куч ва воситаларнинг тўғри харакат қилиши бўйича маълумотлар трансляция қилинади.

34. Фавқулодда вазият режимида эфирнинг тўлиқ вақтидан фавқулодда вазият рўй берганлиги тўғрисида ахолига хабар бериш ва юзага келган вазиятда тўғри харакат қилиш бўйича маълумотларни трансляция қилиш учун фойдаланилади.

35. Локал даражадаги ва объект даражасидаги хабар бериш тизимларини ишлатиш, улардан фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан келишилган ҳолда ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

5-боб. Хабар бериш тизимларининг тайёрлигини текшириш ва баҳолаш

36. Хабар бериш тизимлари тайёрлигини назорат қилиш мақсадида қўйидаги турдаги текширишлар ташкил этилади:

тегишли терминал космплексининг охирги қурилмаларини ишга туширган ҳолда комплекс текшириш;

тегишли терминал космплексининг охирги қурилмаларини ишга туширгмаган ҳолда техник текшириш.

37. Хабар бериш тизимларининг тайёрлигини комплекс текшириш Ўзбекистон Республикаси Фуқаро муҳофазаси бошлигининг ахолини ва худудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, фуқаро муҳофазаси ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича бўйруғига асосан амалга оширилади.

38. Ўзбекистон Республикаси Фуқаро муҳофазаси бошлиғи, фавқулодда вазиятлар вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳамда туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари — фуқаро муҳофазаси бошлиқларининг қарори ёки бўйруғи асосида республика даражасидаги, маҳаллий ва локал даражадаги ҳамда объект даражасидаги хабар бериш тизимларининг тайёрлиги йилига кўпि билан бир марта қўшимча комплекс текширилиши мумкин. Бунда телеканаллар (радиоканаллар) трансляцияси факат Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан келишилган ҳолда тўхтатилади.

39. Хабар бериш тизимларининг тайёрлигини комплекс текширувдан ўтказиша, аҳоли камидан бир ой олдин оммавий аҳборот воситаларида тегишли эълон бериш орқали огоҳлантирилиши шарт.

40. Хабар бериш тизимининг барча даражалари тайёрлигини комплекс текшириш ҳар йили бир марта кундузги пайтда тегишли аҳборот марказларидан синов сигналлари ёки овозли хабарларни юбориш орқали амалга оширилади.

41. Республика хабар бериш тизимининг тайёрлигини комплекс текширишда республика даражасидаги ва маҳаллий даражадаги, шу жумладан, барча шаҳар ва туманлардаги хабар бериш тизимлари текширилади.

42. Комплекс текшириш давомида ушбу Низомнинг барча талаблари, шунингдек, тегишли равища республика даражасидаги, маҳаллий ва локал

даражадаги ҳамда объект даражасидаги хабар бериш тизимлари тўғрисидаги низомлар, шунингдек, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатлар талабларининг бажарилиши ўрганилади.

43. Республика даражасидаги ва маҳаллий даражадаги хабар бериш тизимларининг тайёrlигини техник текшириш Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазири томонидан тасдиқланган йиллик режа-жадвалга мувофиқ амалга оширилади.

44. Республика даражасидаги ва маҳаллий даражадаги хабар бериш тизимларининг тайёrlигини техник текшириш тегишли равишда республика ва маҳаллий ахборот марказларидан ФВДТ, унинг функционал ва ҳудудий қуий тизимлари таркибига кирувчи ташкилотлар раҳбарларининг мобил телефонларига СМС ёки овозли хабарлар юбориш ҳамда ушбу ташкилотларнинг навбатчи-диспетчерлик хизматларининг шаҳар телефонларига «Техник текшириш» синов сигналини юбориш орқали ташкил этилади.

45. Республика даражасидаги ва маҳаллий даражадаги хабар бериш тизимларининг тайёrlигини техник текшириш доирасида телерадиокомпаниялар томонидан олдиндан тайёrlанган сценарий дастурлари асосида «Техник текшириш» хабарлари эфирга узатилади (эълон қилинади).

Давлатнинг муҳим воқеалари тўғрисидаги хабарларни эфирга узатиш, шунингдек, олий мансабдор шахслар нутқи вақтида эфирни тўхтатиш орқали техник текшириш ўtkазилишига йўл қўйилмайди.

46. Хабар бериш тизимларининг тайёrlиги ушбу Низомга З-иловага мувофиқ мезонлар асосида баҳоланади.

6-боб. Якунловчи қоида

47. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Фавқулодда вазият рўй бериш хавфи ёки
фавқулодда вазият рўй берганлиги ҳақида
хабар беришнинг автоматлаштирилган
тизимини ривожлантириш ҳамда ундан сама-
рали фойдаланиш тартиби
тўғрисидаги низомга
З-ИЛОВА

**Фавқулодда вазият рўй бериш хавфи ёки фавқулодда вазият
рўй берганлиги ҳақида хабар беришнинг автоматлаштирилган
тизимларининг тайёргалигини баҳолаш
МЕЗОНЛАРИ**

**1-боб. Республика даражасидаги хабар бериш
тизимини баҳолаш**

1. Республика даражасидаги хабар бериш тизими қўйидаги мезонларга мувофиқ бўлган тақдирда, «тайёр» деб баҳоланади:

а) республика даражасидаги хабар бериш тизими техник топшириқ ҳамда лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ яратилган ва фойдаланишга топширилган бўлса;

б) республика худудидаги мавжуд маҳаллий хабар бериш тизимлари лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ яратилган ва фойдаланишга топширилган ҳамда республика даражасидаги хабар бериш тизими билан боғланган бўлса;

в) хабар бериш тизимининг республика худудида ўрнатилган терминал комплекслари лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ яратилган ва фойдаланишга топширилган ҳамда тегишли даражадаги хабар бериш тизимларига боғланган бўлса;

г) республика даражасидаги ва маҳаллий даражадаги хабар бериш тизимининг доимий тайёргарлиги ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги низомлар, тизим паспортлари ва бошқа белгиланган барча ҳужжатлар мавжуд бўлса;

д) республика даражасидаги хабар бериш тизими орқали ахборот марказлари навбатчи-диспетчерлик хизмати томонидан қўйидагиларга фавқулодда вазиятлар рўй бериш хавфи ёки фавқулодда вазият рўй берганлиги тўғрисида сигналлар ва шошилинч маълумотларни етказиш имконияти мавжуд бўлса:

Ўзбекистон Республикаси Фуқаро муҳофазаси бошлиғи ва ФВДТ таркибига кирувчи вазирлик ва идоралар раҳбарларига;

худудий фавқулодда вазиятлар бошқармалари ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига;

ФВДТ ва фуқаро муҳофазаси кучларига;

Ўзбекистон Республикаси худудидаги аҳолига;

е) республика даражасидаги ва маҳаллий даражадаги хабар бериш тизим-

лари ҳамда уларнинг терминал комплекслари тайёргалиги мунтазам равишда текшириб борилса;

ж) хабар бериш тизими техник воситаларига техник хизмат кўрсатилса, фойдаланиш даврида муддати ўтган воситалардаги носозликларни таъмирлаш ёки алмаштириш ўз вақтида амалга оширилса;

з) республика ахолисининг камидаги 75 фоизи республика даражасидаги хабар бериш тизими техник воситалари (электрон сиреналар ва кучли акустик қурилмалар) фаолият чегараларида яшаса ёки ижтимоий фаолиятини амалга оширса;

и) хабар бериш тизимини ишга тушириш учун масъул ходимларнинг навбатчилиги ва уларнинг касбий тайёргарлиги ташкил этилган бўлса;

к) хабар бериш тизими тайёргалигини текшириш вақтида навбатчи ходимлар ишончли ҳаракат қиласа ҳамда берилган вазифаларни ўз вақтида бажарса;

л) эҳтиёжлардан келиб чиқиб, стационар ва мобил (ташиладиган ва кўчма) хабар бериш тизими техник воситалари захиралари яратилган ва соз ҳолда сақланган ҳамда улардан бошқарув хужжатлари асосида фойдаланиш режалаштирилган бўлса;

м) республика даражасидаги ва маҳаллий даражадаги хабар бериш тизимларини яратиш ва такомиллаштириш бўйича ўз вақтида амалий чора-тадбирлар амалга оширилган бўлса.

2. Республика даражасидаги хабар бериш тизими қўйидаги мезонларга мувофиқ бўлган тақдирда, «чекланган тайёр» деб баҳоланади:

а) мазкур Мезонларнинг 1-банди «а», «г», «д», «е», «м» кичик бандлари бажарилган бўлса;

б) республика худудида барча маҳаллий даражадаги хабар бериш тизимлари лойиха-смета хужжатларига мос яратилган ва фойдаланишга топширилган ҳамда камидаги 75 фоизи республика даражасидаги хабар бериш тизимлари билан интеграция қилинган бўлса;

в) хабар бериш техник воситаларига ўз вақтида техник хизмат кўрсатилган, носоз қисмларини алмаштириш ёки таъмирлаш ишлари амалга оширилган, лекин хизмат муддатини ўтаган техник қурилмалар мавжуд бўлса;

г) республика ахолисининг камидаги 65 фоизи республика даражасидаги хабар бериш тизими охирги қурилмалари (электрон сиреналар ва кучли акустик қурилмалар ва бошқалар) қамрови чегараларида яшаса ёки ижтимоий фаолиятини амалга оширса;

д) хабар бериш тизимини ишга тушириш учун масъул бўлган навбатчи ходимларнинг навбатчилиги ва касбий тайёргарлиги ташкил этилган, лекин ФВДТ таркибига кирувчи вазирлик ва идоралар раҳбарияти, фуқаро муҳофазаси кучларини хабар бериш рўйхати янгиланмаган бўлса;

е) хабар бериш тизими тайёргалигини текшириш вақтида масъул ходим камчиликларга йўл қўйса, ноаник ҳаракат қиласа ва берилган вазифаларни муддатидан кечикиб бажарса.

3. Республика даражасидаги хабар бериш тизими мазкур Мезонларнинг 2-бандида белгиланган мезонларга мувофиқ бўлмаган тақдирда, «тайёр эмас» деб баҳоланади.

2-боб. Маҳаллий даражадаги хабар бериш тизимини баҳолаш

4. Маҳаллий даражадаги хабар бериш тизими қўйидаги мезонларга мувофик бўлган тақдирда, «тайёр» деб баҳоланади:

а) маҳаллий даражадаги хабар бериш тизими техник топшириқ ҳамда лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофик яратилган ва фойдаланишга топширилган бўлса;

б) маҳаллий даражадаги хабар бериш тизими республика даражасидаги хабар бериш тизими билан боғланган бўлса;

в) Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳудудларида ўрнатилган терминал комплекслари лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофик яратилган ва фойдаланишга топширилган ҳамда тегишли даражадаги хабар бериш тизимига боғланган бўлса;

г) Маҳаллий даражадаги хабар бериш тизими тўғрисидаги низом, доимий тайёrlиги ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги тизим паспортлари ва бошқа белгиланган барча ҳужжатлар мавжуд бўлса;

д) маҳаллий даражадаги хабар бериш тизими орқали ахборот марказлари навбатчи-диспетчерлик хизмати томонидан қўйидагиларга фавқулодда вазиятлар рўй бериш хавфи ёки фавқулодда вазият рўй берганлиги тўғрисида сигналлар ва шошилинч маълумотларни етказиш имконияти мавжуд бўлса:

тегишли ҳудуднинг фуқаро муҳофазаси бошлиғи ва ФВДТ ҳудудий қўйи тизими таркибиغا кирувчи ташкилотлар раҳбарларига;

ФВДТ ҳудудий қўйи тизими ҳамда ушбу ҳудуднинг фуқаро муҳофазаси кучларига;

потенциал хавфли обьектлар ҳудудидан ташқарида зарап етказувчи омиллар таъсири зоналарида яшовчи ёки иқтисодий фаолиятни амалга оширувчи аҳолининг ҳаёти ва соғлиғига зарап етказиши мумкин бўлган баҳтсиз ҳодисалар тўғрисида (кимёвий, гидротехника иншоотлари) хавфли ишлаб чиқариш обьектлари раҳбарлари ва уларнинг навбатчи-диспетчерлик хизматларига;

вилоят ҳудудидаги аҳолига;

е) маҳаллий даражадаги хабар бериш тизими ва терминал комплекслари тайёrlиги мунтазам равишда текшириб борилса;

ж) хабар бериш тизимининг техник воситаларига доимий техник хизмат кўрсатилса, фойдаланиш даврида муддати ўтган воситалардаги носозликларни таъмирлаш ёки алмаштириш ўз вақтида амалга оширилса;

з) вилоят аҳолисининг камида 75 фоизи маҳаллий даражадаги хабар бериш тизими охирги қурилмалари (электрон сиреналар ва кучли акустик қурилмалар ва бошқалар) фаолият чегараларида яшаса ёки ижтимоий фаолиятини амалга оширилса;

и) хабар бериш тизимини ишга тушириш учун масъул ходимларнинг навбатчилиги ва касбий тайёргарлиги ташкил этилган бўлса;

к) хабар бериш тизими тайёrlигини текшириш вақтида навбатчи ходимлар ишончли ҳаракат қиласа ҳамда берилган вазифаларни ўз вақтида бажарса;

л) эҳтиёжлардан келиб чиқиб, стационар ва мобил (ташиладиган ва кўчма) хабар бериш тизими техник воситаларининг захиралари яратилган ва соз ҳолда сақланган ҳамда улардан бошқарув хужжатлар асосида фойдаланиш режалаштирилган бўлса;

м) маҳаллий даражадаги хабар бериш тизимини яратиш ва такомиллаштириш бўйича ўз вақтида амалий чора-тадбирлар амалга оширилган бўлса.

5. Маҳаллий даражадаги хабар бериш тизими қўйидаги мезонларга мувофиқ бўлган тақдирда, «чекланган тайёр» деб баҳоланади:

а) мазкур Мезонларнинг 1-банди «а», «г», «д», «е», «м» кичик бандлари бажарилган бўлса;

б) маҳаллий даражадаги хабар бериш тизими лойиҳа-смета хужжатларига мос яратилган ва фойдаланишга топширилган, лекин республика даражадаги хабар бериш тизими билан интеграция қилинмаган бўлса;

в) хабар бериш техник воситаларига ўз вақтида техник хизмат кўрсатилган, носоз қисмларни алмаштириш ёки таъмирлаш ишлари амалга оширилган, лекин хизмат муддатини ўтаган техник қурилмалар мавжуд бўлса;

г) вилоят аҳолисининг камида 65 фоизи маҳаллий даражадаги хабар бериш тизими охирги қурилмалари (электрон сиреналар ва кучли акустик қурилмалар ва бошқалар) қамрови чегараларида яшаса ёки ижтимоий фаoliyatiini амалга оширса;

д) хабар бериш тизимини ишга тушириш учун масъул бўлган навбатчи ходимларнинг навбатчилиги ва касбий тайёргарлиги ташкил этилган, лекин ФВДТ таркибига кирувчи вазирлик ва идоралар раҳбарияти, фуқаро муҳофазаси кучларини хабар бериш рўйхати янгиланмаган бўлса;

е) хабар бериш тизими тайёрлигини текшириш вақтида масъул ходим камчиликларга йўл қўйса, ноаниқ ҳаракат қилса ва берилган вазифаларни муддатидан кечикиб бажарса.

6. Маҳаллий даражадаги хабар бериш тизими мазкур Мезонларнинг 5-бандида белгиланган мезонларга мувофиқ бўлмаган тақдирда «тайёр эмас» деб баҳоланади.

3-боб. Локал даражадаги хабар бериш тизимини баҳолаш

7. Локал даражадаги хабар бериш тизими қўйидаги мезонларга мувофиқ бўлган тақдирда, «тайёр» деб баҳоланади:

а) локал даражадаги хабар бериш тизими техник топширик ҳамда лойиҳа-смета хужжатларига мувофиқ яратилган ва фойдаланишга топширилган бўлса;

б) локал даражадаги хабар бериш тизими маҳаллий даражадаги хабар бериш тизими билан боғланган бўлса;

в) Локал даражадаги хабар бериш тизими тўғрисидаги низом, доимий тайёрлиги ва ундан фойдаланиш бўйича тизим паспортлари ва бошқа белгиланган барча хужжатлар мавжуд бўлса;

г) локал даражадаги хабар бериш тизими орқали ахборот марказлари навбатчи-диспетчерлик хизмати томонидан қўйидагиларга фавқулодда ва-

зиятлар тўғрисидаги сигналлар ва шошилинч маълумотларни етказиш имконияти мавжуд бўлса:

объект фуқаро муҳофазаси бошлиғи, ишчи-хизматчилари ҳамда объектнинг фавқулодда вазиятларни бартараф этиш кучларига;

фавқулодда вазиятларда хабар бериш ҳудудидаги ташкилотлар навбатчи-диспетчерлик хизматларига;

фавқулодда вазиятларда хабар бериш ҳудудида яшовчи аҳолига;

д) локал даражадаги хабар бериш тизими ва терминал комплекслар тайёрлиги мунтазам равишда текшириб борилса;

е) хабар бериш техник воситаларига техник хизмат кўрсатилса, фойдаланиш даврида муддати ўтган воситалардаги носозликларни таъмирлаш ёки алмаштириш ўз вақтида амалга оширилса.

ж) хабар бериш тизимини ишга тушириш учун масъул ходимларнинг навбатчилиги ва касбий тайёргарлиги ташкил этилган бўлса;

з) хабар бериш тизими тайёрлигини текшириш вақтида навбатчи ходимлар ишончли ҳаракат қиласа ҳамда берилган вазифаларни ўз вақтида бажарса.

8. Локал даражадаги хабар бериш тизими қўйидаги мезонларга мувофиқ бўлган тақдирда, «чекланган тайёр» деб баҳоланади:

а) мазкур Мезонларнинг 7-банди «а», «в», «г», «д», «е» кичик бандлари бажарилган бўлса;

б) локал даражадаги хабар бериш тизими лойиҳа-смета хужжатларига мос яратилган ва фойдаланишга топширилган, лекин маҳаллий даражадаги хабар бериш тизимига билан интеграция қилинмаган бўлса;

в) хабар бериш техник воситаларига ўз вақтида техник хизмат кўрсатилган, носоз қисмларни алмаштириш ёки таъмирлаш ишлари амалга оширилган, лекин хизмат муддатини ўтаган техник қурилмалар мавжуд бўлса;

г) хабар бериш тизимини ишга тушириш учун масъул бўлган навбатчи ходимларнинг навбатчилиги ва касбий тайёргарлиги ташкил этилган, лекин ФВДТ ҳудудий қуий тизими хизматлари (звенолари)га, шунингдек, объект раҳбарияти, ишчи-хизматчилари ва фавқулодда вазиятларни бартараф этиш кучларига хабар бериш рўйхатлари янгиланмаган бўлса;

д) локал даражадаги хабар бериш тизими тайёрлигини текшириш вақтида масъул ходим камчиликларга йўл қўйса, ноаниқ ҳаракат қиласа ва берилган вазифаларни муддатидан кечикиб бажарса.

9. Локал даражадаги хабар бериш тизими мазкур Мезонларнинг 8-бандида белгиланган мезонларга мувофиқ бўлмаган тақдирда, «тайёр эмас» деб баҳоланади.

4-боб. Объект даражасидаги хабар бериш тизимини баҳолаш

10. Объект даражасидаги хабар бериш тизими қўйидаги мезонларга мувофиқ бўлган тақдирда, «тайёр» деб баҳоланади:

а) объект даражасидаги хабар бериш тизими техник топшириқ ҳамда лойиҳа-смета хужжатларига мувофиқ яратилган ва фойдаланишга топширилган бўлса;

б) объект даражасидаги хабар бериш тизими маҳаллий даражадаги хабар бериш тизими билан боғланган бўлса;

в) Объект даражасидаги хабар бериш тизими тўғрисидаги низом, доимий тайёргарлик ва ундан фойдаланиш бўйича тизим паспортлари ҳамда бошқа белгиланган барча хужжатлар мавжуд бўлса;

г) объект даражасидаги хабар бериш тизими орқали қўйидагиларга фавқулодда вазиятлар тўғрисидаги сигналлар ва шошилинч маълумотларни етказиш имконияти мавжуд бўлса:

объект фуқаро муҳофазаси бошлиғи, ишчи-хизматчилари ҳамда фавқулодда вазиятларни бартараф этиш кучларига;

объект авария-қутқарув ва маҳсус ишларни бажарувчи хизматларга;

объектда бўлиб турган ташриф буюрувчиларга;

д) объект даражасидаги хабар бериш тизими ва терминал комплекслари тайёрлиги мунтазам равишда текшириб борилса;

е) хабар бериш техник воситаларига техник хизмат кўрсатилса, фойдаланиш даврида муддати ўтган воситалардаги носозликларни таъмирлаш ёки алмаштириш ўз вақтида амалга оширилса;

ж) объект ишчи-хизматчиларига хабар бериш тизимининг техник холати «қониқарли» деб баҳоланган бўлса;

з) хабар бериш тизимини ишга тушириш учун масъул ходимларнинг навбатчилиги ва уларнинг касбий тайёргарлиги ташкил этилган бўлса;

и) хабар бериш тизими тайёрлигини текшириш вақтида навбатчи ходимлар ишончли ҳаракат қиласа ҳамда берилган вазифаларни ўз вақтида бажарса.

11. Объект даражасидаги хабар бериш тизими қўйидаги мезонларга мувофиқ бўлган тақдирда, «чекланган тайёр» деб баҳоланади:

а) мазкур Мезонларнинг 10-банди «а», «в», «г», «д», «е» кичик бандлари бажарилган бўлса;

б) объект даражасидаги хабар бериш тизими лойиҳа-смета хужжатларига мос яратилган ва фойдаланишга топширилган, лекин маҳаллий даражасидаги хабар бериш тизимига билан интеграция қилинмаган бўлса;

в) хабар бериш техник воситаларига ўз вақтида техник хизмат кўрсатилган, носоз қисмларни алмаштириш ёки таъмирлаш ишлари амалга оширилган, лекин хизмат муддатини ўтаган техник қурилмалар мавжуд бўлса;

г) хабар бериш тизимини ишга тушириш учун масъул бўлган навбатчи ходимларнинг навбатчилиги ва касбий тайёргарлиги ташкил этилган, лекин ФВДТ худудий қўйи тизими хизматлари (звенолари)га, шунингдек, объект раҳбарияти, ишчи-хизматчилари ва фавқулодда вазиятларни бартараф этиш кучларига хабар бериш рўйхатлари янгиланмаган бўлса;

д) объект даражасидаги хабар бериш тизими тайёрлигини текширишда вақтида масъул ходим камчиликларга йўл қўйса, ноаниқ ҳаракат қиласа ва берилган вазифаларни муддатидан кечикиб бажарса.

12. Объект даражасидаги хабар бериш тизими мазкур Мезонларнинг 11-бандида белгиланган мезонларга мувофиқ бўлмаган тақдирда, «тайёр эмас» деб баҳоланади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

**355 Иқлим ўзгариши ва табиий оғатлар хавфига нисбатан
миллий ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш ҳамда сама-
рали амалга оширишни ташкил этиш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислоҳотлар са- марадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» 2022 йил 2 декабрдаги ПҚ-436-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, табиий оғатлар хавфини камайтириш ва иқлим ўзгаришига чидамлиликни ошириш бўйича чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш максадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 декабрдаги ПҚ-436-сон қарори билан тасдиқланган 2030 йилгача Ўзбекистон Республикасида «яшил» иқтисодиётга ўтиш ва «яшил» ўсишни таъминлаш бўйича ҳаракатлар режасининг 10-бандида иқлим ўзгариши ва табиий оғатлар хавфига нисбатан миллий жавоб чораларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг самарали норматив-хукуқий ва институционал базасини мустаҳкамлаш назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуидагилар:

2023 — 2030 йилларда табиий оғатлар хавфини камайтириш ва иқлим ўзгаришига чидамлиликни ошириш бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий ҳаракатлар режаси (кейинги ўринларда — Миллий ҳаракатлар режаси) 1-иловага мувофиқ;

2023 — 2030 йилларда табиий оғатлар ва иқлим ўзгаришига чидамлиликни ошириш бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий ҳаракатлар режасини амалга ошириш бўйича «йўл харитаси» (кейинги ўринларда — «йўл харитаси») 2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қуидагилар Миллий ҳаракатлар режасини амалга ошириш доирасида устувор йўналишлар этиб белгилансин:

табиий оғатлар хавфини камайтириш ва иқлим ўзгаришига чидамлиликни оширишнинг ташкилий-хукуқий асосларини такомиллаштириш;

ахолининг табиий оғатлар хавфини камайтириш ва иқлим ўзгаришига чидамлиликни ошириш борасидаги билим ва тажрибаларини шакллантириш;

табиий оғатлар хавфини камайтириш ва иқлим ўзгаришига чидамлиликни ошириш тадбирларини молиялаштиришни ташкил этиш;

табиий оғатлар рўй берганда ҳаракат қилишга тайёрлик даражасини ошириш.

4. Табиий оғатлар хавфини камайтириш ва иқлим ўзгаришига чидамлиликни ошириш бўйича ҳаракатларни мувофиқлаштирувчи идоралараро кенгаш (кейинги ўринларда — Кенгаш) З-иловага** мувофиқ таркибда тузилсин.

* Ушбу қарор «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 14 августда эълон қилинган.

** 2-3-иловалар «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Куйидагилар Кенгашнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Миллий харакатлар режаси ва «йўл харитаси»да белгиланган чора-тадбирларнинг тўлиқ ҳажмда бажарилишини таъминлаш, шунингдек, уларнинг ўз вақтида бажарилиши устидан назорат ўрнатиш;

табиий оғатлар хавфини камайтириш ва иқлим ўзгаришига чидамлиликни ошириш бўйича вазирлик ва идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

табиий оғатлар хавфини камайтириш ва иқлим ўзгаришига чидамлиликни ошириш ташкилий-хуқукий асосларини такомиллаштириш;

табиий оғатлар хавфини камайтириш ва иқлим ўзгаришига чидамлиликни ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларнинг ижроси самародорлигини ошириш;

ҳар чоракда вазирлик ва идоралар раҳбарларининг табиий оғатлар хавфини камайтириш ва иқлим ўзгаришига чидамлиликни ошириш бўйича режалаштирилган чора-тадбирлар бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларини эшлиб бориш;

табиий оғатлар хавфини камайтириш ва иқлим ўзгаришига чидамлиликни ошириш тадбирларини молиялаштириш чораларини кўриш.

5. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги «Яшил трансформация ва иқлим ўзгаришига мослашиш миллий маркази» давлат муассасаси Кенгашнинг ишчи органи ҳисобланади;

тасдиқланган Миллий харакатлар режаси ва «йўл харитаси»да назарда тутилган функциялар давлат бюджети параметрларида назарда тутилган маблағлар, вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари, ҳалқаро молия институтлари маблағлари, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги Рақамли технологиялар вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2024 йил 1 январга қадар Экология жамғармаси ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан табиий оғатлар хавфини камайтириш ва иқлим ўзгаришига чидамлиликни ошириш соҳасида илмий-тадқиқотларнинг натижалари, мониторинг, прогноз ва бошқа маълумотларнинг ягона электрон платформасини ишга тушириш чораларини кўрсин.

7. Мазкур қарорда белгиланган чора-тадбирларнинг сифатли ҳамда ўз вақтида бажарилишини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилишнинг қўйидаги тартиби белгилансин:

вазирлик ва идоралар — ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 5-санасига қадар Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигига Миллий харакатлар режаси ҳамда «йўл харитаси»да назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш холати тўғрисида ҳисобот тақдим этади;

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирли-

ги ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 15-санасига қадар умумлашган таҳлилий маълумотларни Кенгашга киритади;

Кенгаш ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 25-санасига қадар амалга оширилган ишлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот тақдим этади.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ж. Раматов, Ўзбекистон Республикаси экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири А.А. Абдуҳакимов ҳамда Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазири А.Х. Кулдашев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазари**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 11 август,
362-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 11 августдаги 362-сон қарорига
1-ИЛОВА

**2023 — 2030 йилларда табиий оғатлар хавфини
камайтириш ва иқлим ўзгаришига чидамлиликни ошириш
бўйича Ўзбекистон Республикасининг
МИЛЛИЙ ҲАРАКАТЛАР РЕЖАСИ**

1-боб. Умумий маълумот

1. Ўзбекистон география нуқтаи назаридан тоғ тизимлари, йирик чўл, яйловлар ва қир-адирларни ўз ичига олган минтақа ҳисобланади. Иқлими кескин континентал, кеча-кундузги ва фасллар хароратининг катта амплитудаси, юқори қуёш радиацияси ва нисбатан паст намлик билан тавсифланади.

2. Республиkaning жойлашуви ва иқлимига кўра ҳудудларида куйидаги табиий оғатлар кузатилиши мумкин:

геологик оғатлар (зилзила, ер ва тош кўчкилари, ўпирилишлар);

метеорологик оғатлар (кучли шамол, кучли жала, дўл, қор кўчкиси, курғоқчилик);

гидрологик оғатлар (сел, сув тошқинлари);

табиий ёнғинлар (дашт ва ўрмон ёнғинлари).

3. Республиkaning катта қисми сезиларли даражада иқлим ўзгариши таъсири доирасида бўлиб, иқлим ўзгариши ва унинг оқибатлари ижтимоий-иқтисодий ривожланишга, одамларнинг турмуш тарзи ва соғлиғига, шунингдек, иқтисодий обьектларнинг барқарор фаолият олиб боришига ўз салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Сўнгги йилларда иқлим ўзгариши оқибатида республика ҳудудида табиий оғатлар сони сезиларли даражада ошди. Табиий оғатларнинг ўртача

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами, 2023 й.

сони 2001-2010 йилларда — 115 та ҳолат, 2011-2022 йилларда — 126 та ҳолатни ташкил этган.

Уларнинг 46 фоизи зилзилалар, 27 фоизи селлар, 13,5 фоизи ер кўчкиласи, 8,7 фоизи кучли шамоллар, 2,4 фоизи сув тошқинлари, 1,6 фоизи табиий ёнғинлар, 0,8 фоизи қор кўчкилари ва бошқалар хиссасига тўғри келган.

4. Глобал иқлим ўзгариши билан боғлиқ кузатилаётган вазият сабабли республикада иқлим ўзгаришига мослашув чораларини кўриш ва табиий оғатлар билан боғлиқ йўқотишларни камайтириш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

2-боб. Ўзбекистон ҳудудида рўй бериши мумкин бўлган табиий оғатлар хавфи ва иқлим ўзгаришига чидамлиликни оширишдаги асосий муаммолар

1-§. Зилзилалар

5. Республикада 12 баллик ҳалқаро МСК-64 шкаласи (Медведев-Шпонхойер-Карни) бўйича интенсивлиги 7 балл ва ундан юқори бўлган зилзилалар содир бўлиш хавфи мавжуд. Марказий Осиё давлатларининг бир қатор сейсмологик хизматлари ҳар йили турли жадалликдаги 3 000 га яқин ер ости силкинишларини қайд этади.

6. Кучли зилзилалarda энг кўп зарар кўрадиган уй-жой сектори, хизмат кўрсатиш, иқтисодиёт, саноат ва савдо соҳалари бўлиб, уларнинг аксарияти шаҳарлар ва йирик аҳоли пунктларида жойлашган.

7. Ўзбекистон аҳолисининг қарийб 70 фоизи сейсмик фаол зоналарда истиқомат қиласди. Кўплаб бинолар, айниқса, якка тартибдаги уйлар қурилиш норма ва қоидаларини ҳисобга олмаган ҳолда қурилганлиги сабабли уй-жой қурилиши обьектларининг 70 фоизи сейсмик барқарор эмас.

8. Зилзиланинг иккиласи таъсири ҳалокатли бўлиши ва бошқа хавфларни келтириб чиқариши ёки тезлаштириши эҳтимоли юқори.

Зилзиланинг иккиласи таъсирининг аксарияти (тўғонларнинг бузилиши, баланд тоғлардаги кўлларнинг тошиб кетиши натижасида юзага келадиган сув тошқинлари ва сел орқали заҳарли моддаларнинг тарқалиши) жиддий трансчегаравий оқибатларга олиб келиши мумкин.

2-§. Ер ва тош кўчкилари, ўпирилишлар

9. Ер ва тош кўчкилари, ўпирилишлар асосан тоғли ва тоғолди ҳудудларга хос бўлиб, табиий оғатларнинг кенг тарқалган турларидан бири ҳисобланади.

Улар қияликларнинг тикилги ошиши, сейсмик ҳодисалар, метеорологик ва гидрологик ўзгаришлар, шунингдек, турли антропоген жараёнлар ҳисобига ҳаракатга тушади. Ер ва тош кўчкилари, ўпирилишлар тез-тез тоғолди ва тоғли ҳудудларда дengiz satxidan 1000 — 2400 метр баландликда, 15 дарожа ва ундан ортиқ бўлган қияликларда содир бўлади.

10. Ер ва тош кўчкилари, ўпирилишлар аҳоли турар жойлари ва хўжалик-

лари, бинолар, транспорт коммуникациялари, ҳаёт маромини таъминловчи ва муҳандислик иншоотлари, каналлар, электр узатиш линиялари ва бошқа муҳим обьектларни вайрон қилиш ҳамда кўмиб юбориши эҳтимоли билан ҳам хавфли ҳисобланади.

11. Ер ва тош кўчкилари, ўрилиш жараёнларининг ривожланиши ахоли яшаш пунктлари, соғломлаштириш мажмуалари, автомобиль ва темир йўл участкалари, төғ-кон, гидротехник ва бошқа турдаги обьектларга хавф солиши мумкин.

3-§. Кучли шамоллар

12. Ўзбекистонда сўнгги йилларда кучли шамоллар асосан республика-нинг шимоли-ғарбий ва жануби-ғарбий ҳудудларида кузатилиб, шамол тезлиги 25 — 27 м/с, баъзи ҳолларда 27 — 40 м/с ташкил этган ҳолда, мамлакат иқлимига хос бўлмаган талафотли бўрон ва довуллар кузатилмоқда.

13. Кучли шамоллар уйларнинг том қисмлари кўчириб ташланиши, дарахтлар қулаши, электр таъминоти устунларининг ағдарилиши ва ушбу ҳодисалар билан боғлиқ равишда одамларнинг ҳалок бўлиши ва жароҳат олишлари, шунингдек, электр таъминотидаги узилишлар, муҳандислик иншоотлари ва ҳаёт маромини таъминлаш тизимларининг вайрон бўлиши каби оқибатларга олиб келмоқда.

2020 йилда Бухоро вилоятида кузатилган 40 м/с тезлиқда эсган (соатига 144 км — Бофорт шкаласи бўйича бўрон) кучли шамол бир кишининг ҳалок бўлишига, 40 нафарга яқин инсонларнинг жароҳатланишига, 5 000 дан ортиқ обьектларнинг том қисми шикастланишига ҳамда 42 минг туп йирик дарахтларнинг нобуд бўлишига ва шикастланишига сабаб бўлди.

Шунингдек, бинолар ва дарахтлар остида қолган 415 та транспорт воситаларига жиддий зарар етиб, кўп миқдорда қишлоқ хўжалиги экинлари нобуд бўлди ва 10 миллион АҚШ долларига яқин моддий зарар етди.

4-§. Кучли жала, дўл

14. Кучли жала ёғиши республика иқлими учун хос метеорологик ҳодиса бўлиб, ёғингарчилик миқдори 1 соат ва ундан кам вакт ичидаги 15 мм ва ундан кўп миқдорни ташкил этганда юзага келади.

15. Кучли жала ва дўл сел, тошқин сувларини ҳосил қилиши билан хавфли ҳисобланади. Кучли жала ва дўл қишлоқ хўжалиги экинлари, мевали дарахтлар ва экин майдонларига жиддий зарар етказади.

16. Иқлим ўзгариши натижасида тез-тез кузатилаётган кучли жала ва дўл шаҳарларда ирригация ва оқова тизимларининг талабга жавоб бермаслиги сабабли кўплаб сув тошқинларига олиб келмоқда.

5-§. Қор кўчкиси

17. Қор кўчкиси одамларнинг иқтисодий, рекреацион, спорт ёки бошқа фаoliyatiga, шунингдек, қор кўчкиси хавфи мавжуд зоналарда жойлашган

аҳоли пунктлари, санаторий, курорт, спорт, саноат мажмуалари, инфратузилма ва бошқа объектларга хавф түғдиради.

18. Қор кўчкиси асосан қор кўп тўпланган йилларда қиш ва баҳор ойларида кузатилади.

19. Ўзбекистон худудида қор кўчкиси хавфини ўрганиш даражаси бир хил эмас. Қор кўчкисининг юзага келиши, унинг тарқалиш шароитлари маълум бўлган жойлар билан бир каторда етарли даражада ўрганилмаган жойлар ҳам мавжуд. Сўнгги йилларда олиб борилган ярим стационар ва аэровизуал кузатувлар натижалари маълум худудларда қор кўчкиси фаоллашишини кўрсатмоқда.

20. Республикада қор кўчкиси хавфини мониторинг қилиш учун 18 та қор кўчкиси кузатув пунктлари мавжуд.

6-§. Қурғоқчилик

21. Қурғоқчилик узоқ вақт давомида юқори ҳаво ҳарорати ва ёғингарчилик миқдорининг камлиги натижасида юзага келади. Сўнгги йилларда қурғоқчилик кузатилиши жадаллашиб, жанубий иссиқ иқлим шароити республиканинг шимоли-шарқий минтақасига силжиши кузатилмоқда.

22. Қурғоқчилик озиқ-овқат хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатувчи, аҳоли саломатлигининг ёмонлашуви, биохилма-хилликнинг йўқолиши, ҳудудларнинг сахролашиши, экологиянинг ёмонлашуви, иқлим ўзгаришига чидамлиликнинг пасайиши, мажбурий миграция каби ижтимоий ва экологик муаммоларни келтириб чиқарувчи табиий оғат ҳисобланади.

23. Ҳозирги вақтда республика худудининг 70 фоизи ёки 31,4 млн. гектар майдони табиий шўрланиш, ҳаракатланувчи қумларнинг ёйилиши, чанг бўронлари ва гармсел шамоллари эсувчи қурғоқчил ҳамда ярим қурғоқчилерлардан ташкил топган.

Орол денгизининг қуриши натижасида Оролқум деб ном олган янги саҳро пайдо бўлиб, ҳозирда 6 млн. гектарга яқин майдонни қамраб олди. Оролбўйи худудидаги 2 млн. гектар майдонда ерларнинг сахролашиши ва деградацияси кузатилмоқда.

24. Глобал иқлим исиши, сув ресурсларининг тобора камайиб бориши, қўшни давлатлар томонидан трансчегаравий дарёларда турли гидротехника иншоотлари қурилиши, сув сарфининг ошиши ва сувдан нооқилона фойдаланиш каби омиллар қурғоқчилик хавфини янада ошириб бормоқда.

7-§. Сел, сув тошқинлари

25. Сел, сув тошқинлари хавфлилик даражаси юқори бўлиб, республиканинг тоғли ва тоғолди худудларида, Амударё ва Сирдарё ҳавзаларида кўп кузатиладиган табиий оғатлар ҳисобланади.

Кўпинча сел оқимлари қўшни давлатлар — Қирғизистон ва Тожикистон худудларида ҳосил бўлиши сабабли сел оқимлари трансчегаравий ҳам бўлиши мумкин.

26. Сел, сув тошқинлари оқибатида тураг жойлар, ижтимоий соҳа ва

ахолининг хаёт маромини таъминлаш объектлари, инфратузилмалар, мухандислик, ҳимоя, ирригация иншоотларининг вайрон бўлиши, уларнинг тошқин сувлари ва лой остида қолиб кетиши, дарё ўзанларининг ўзгариши ва ҳудудлар санитария-гигиена ҳолатининг ёмонлашуви асосий таҳдидлар хисобланади.

27. Сўнгги ўн йилда сел, сув тошқинлари сони кескин ортди ва ушбу даврда Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида 650 тадан ортиқ сел, сув тошқинлари кузатилиб, сўнгги беш йил ичida шу каби ҳолатлар сони 141 тага ошган.

28. Амударё ва Сирдарё ҳавзаларида юзага келган мавсумий тошқинлар сув сатхининг кўтарилишига, дарёлар ўзанлари ўзгаришига, қирғоқларнинг емирилишига олиб келиб, аҳоли пунктлари ва экин майдонларини сув босишига (сув тошқинларига) сабаб бўлади.

29. Қор ва музликларнинг жадал эриши натижасида ҳосил бўладиган кўп миқдордаги сувлар, дамбалар ва музли кўллар тўғонларининг эҳтимолий ўпирлиши, қўшни давлатлар томонидан йирик сув омборларидан сувнинг чиқариб юборилиши, дарёлардаги музларнинг механик эритилиши оқибатида дарё ўзанларининг ўзгариши, сув сатхининг кўтарилиши ва қирғоқларнинг ювилиши ҳудудлардаги аҳоли пунктлари ва экин майдонларини сув босиш хавфини юзага келтирмоқда.

8-§. Табиий ёнғинлар

30. Республикада ўрмон фонди майдони 11 858 130 гектарни ташкил этади.

31. Ҳар йили республикада 4 тадан 16 тагача ўрмон ёнғинлари қайд этилиб, ёнғинлар экология ва атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатиши билан бир қаторда аҳоли яшаш пунктларига ва экин майдонларига тарқалган тақдирда, жиддий иқтисодий-ижтимоий оқибатларга олиб келиши мумкин.

32. Сўнгги олти йилда ўрмонларда 46 та ёнғин юз берган бўлса, 2021 йилда Жиззах вилоятининг Зомин туманидаги ўрмонзорларнинг 80 гектарга яқин майдонида, Сирдарё вилоятидаги ўрмон-овчилик хўжалигининг 140 гектардан ортиқ майдонида ҳамда Қорақалпогистон Республикасидаги қўриқхона ҳудудига кирувчи тўқайзорнинг 35 гектар майдонида йирик табиий ёнғинлар содир бўлди.

33. Ўрмон ёнғинлари ва иқлим ўзгариши бир-бири билан чамбарчас боғлиқ жараён хисобланиб, қурғоқчилик, юқори ҳарорат, нисбий паст намлик, чақмоқлар ва кучли шамол ёнғинлар келиб чиқиш хавфини кескин оширади.

34. Ўрмон ёнғинлари юзага келишининг асосий сабабларидан бири инсон омили бўлсада, яшин тушиши оқибатида юзага келувчи ёнғинлар янада жиддийроқ оқибатларни келтириб чиқаради.

9-§. Табиий оғатлар билан боғлиқ техноген хусусиятга эга хавфлар

35. Табиий оғатлар оқибатида гидротехника иншоотларида юзага кела-

диган авариялар инсонлар соғлиги, ҳаёти, мол-мулкига ва атроф мухитга жиддий хавф түгдиради.

36. Тошқин сувлари гидротехника иншоотларининг турғунлигига салбий таъсир кўрсатиб, улардаги максимал сув сарфининг кескин ошишига сабаб бўлади.

Сув сарфининг кескин ошиши сув ташловчи иншоотларнинг ўтказувчанилигига салбий таъсир кўрсатиб, иншоотнинг бузилишига, гидротехника иншооти юқори бъефининг (ЮБС) сатҳлари кўтарилишига, тўсувчи иншоотларнинг устидан сув қўйилиши ва гидродинамик аварияларга олиб келиши мумкин.

37. Сув иншоотлари, қияликлар ва қирғоқлар ҳамда гидротехника иншоотининг маҳкамланадиган элементлари муз юкланиш чегарасига эга бўлиб, ҳалокатли муз ҳодисалари оқибатида бундай юкланишлар ортиб кетиши иншоотнинг бузилишига ва ювилиб кетишига олиб келиши мумкин.

38. Кучли шамоллар (довуллар, бўронлар) гидротехника иншоотлари, хусусан, сув омборлари учун хавф тутдирувчи таҳдидлар қаторига кириб, сув омборида пўртана тўлқинларини ҳосил қиласди ва улар таъсирида босимни ушлаб турувчи қияликлар, қирғоқлар ва маҳкамловчи элементларнинг мустаҳкамлигига хавф солади.

39. Ер ва тош кўчкилари, ўпирилишлар сув омборларининг юқори бъефида цунамисимон тўлқинлар ҳосил бўлишига ва оқибатда тўғоннинг устки қисмидан сувнинг тошиб чиқишига ҳамда уларнинг бузилишига олиб келиши мумкин.

40. Табиий оғатлар хавфини камайтириш ва иқлим ўзгаришига чидамлиликни ошириш борасидаги асосий муаммолар қўйидагилардан иборат:

йиллар давомида рўй берган табиий оғатларни баҳолаш натижалари ва прогноз маълумотлари асосида табиий оғатлар хавфини эрта аниқлаш, табиий оғатлар хавфи ёки содир бўлганлиги тўғрисида хабар бериш ва маълумот етказиш тизимларининг такомиллашмаганлиги, табиий оғатлар хавфи тўғрисида маълумот алмашиш бўйича миллий ва маҳаллий даражадаги маълумотлар базасининг яратилмаганлиги;

табиий оғатлар хавфини баҳолашнинг замонавий услублари ишлаб чиқилмаганлиги ва таҳдидларни тор доирада баҳолаш амалиётининг сақланиб қолаётганлиги;

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг табиий оғатлар хавфи бўйича ер хусусиятлари ҳисобланган эҳтимолий таҳдидлар частотаси, таҳдид ҳариталари кабилар тўғрисида янгилanganган маълумотларни олиш имкониятининг чекланганлиги. Аҳоли пунктларини қуриш ва худудларни ривожлантиришда табиий оғатлар хавфининг етарли даражада инобатга олинмаслиги;

аҳоли орасида хавфсизлик маданиятини тарғиб қилиш ва аҳолини табиий оғатлар билан боғлиқ фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш ишларининг етарли даражада олиб борилмаслиги;

табиий оғатлар хавфини камайтириш ва иқлим ўзгаришига чидамлиликни оширишга қаратилган тадбирларни амалга оширишда табиий оғатлар

хавфи таъсирига учраш эҳтимоли юқори бўлган ва бошқа заиф ижтимоий гурӯхларнинг тўлиқ инобатга олинмаслиги;

табиий оғатлар хавфидан суғурталаш ва ушбу йўналишдаги ички инвестицияларни рағбатлантириш чоралари ва амалий механизмларининг суст ривожланганлиги.

3-боб. Миллий ҳаракатлар режасининг мақсади, устувор йўналишлари ва вазифалари

41. Миллий ҳаракатлар режасининг мақсади — табиий оғатлар хавфини камайтириш ва иқлим ўзгаришига чидамлиликни ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан иборат.

42. Қўйидагилар Миллий ҳаракатлар режасини амалга ошириш доирасида устувор йўналишлар хисобланади:

табиий оғатлар хавфини камайтириш ва иқлим ўзгаришига чидамлиликни оширишнинг ташкилий-хуқуқий асосларини такомиллаштириш;

табиий оғатлар хавфини камайтириш ва иқлим ўзгаришига чидамлиликни ошириш борасидаги билим ва тажрибаларни шакллантириш;

табиий оғатлар хавфини камайтириш ва иқлим ўзгаришига чидамлиликни ошириш тадбирларини молиялаштиришни ташкил этиш;

табиий оғатлар юз берганда, ҳаракат қилишга тайёрлик даражасини ошириш.

43. Қўйидагилар Миллий ҳаракатлар режасини амалга ошириш доирасидаги вазифалар хисобланади:

а) табиий оғатлар хавфини камайтириш ва иқлим ўзгаришига чидамлиликни оширишнинг ташкилий-хуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича:

янги қонунчилик нормаларини ишлаб чиқиш ва табиий оғатлар хавфи ва иқлим ўзгаришини инобатга олган ҳолда, мавжуд норматив-хуқуқий хужжатларга ўзгартирishлар киритиш;

табиий оғатлар хавфини камайтириш ва иқлим ўзгаришига чидамлиликни ошириш юзасидан режалар, республика ва маҳаллий стратегияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

табиий оғатлар хавфини камайтириш ва иқлим ўзгаришига чидамлиликни ошириш борасидаги профилактик тадбирларни самараали ташкил этиш;

маҳаллий даражада табиий оғатлар хавфини камайтириш ва иқлим ўзгаришига чидамлиликни ошириш масалаларида маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг иштирокини кенгайтириш ва жавобгарлигини кучайтириш;

табиий оғатлар хавфини камайтириш ва иқлим ўзгаришига чидамлиликни оширишда манфаатдор томонлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш;

б) табиий оғатлар хавфини камайтириш ва иқлим ўзгаришига чидамлиликни ошириш борасидаги билим ва тажрибаларни шакллантириш бўйича:

табиий оғатлар хавфини аниқлаш ва баҳолаш, прогноз материалларини тайёрлаш, замонавий геоахборот технологиялари асосида маълумотлар базасини юритиш;

табиий офатлар етказиши мумкин бўлган заарни баҳолашнинг методологик асосларини ишлаб чиқиши;

давлат бошқаруви органлари мансабдор шахслари ва аҳолининг барча қатламларининг табиий офатлар хавфини камайтириш ва иқлим ўзгаришига чидамлиликни ошириш масалалари бўйича маълумотга эгалиги ва хабардорлик даражасини ошириш, шунингдек, уларга билим бериш ва ўқитиши;

табиий офатлар хавфини камайтириш ва иқлим ўзгаришига чидамлиликни ошириш масалалари бўйича аҳолини ўқитиши, соҳа учун профессионал кадрларни тайёрлаш дастурларини янада такомиллаштиришга кўмаклашиш;

жамоат ташкилотлари ва нодавлат ташкилотлар орқали табиий офатлар хавфи тўғрисидаги ахборотни тарқатиш мақсадида фуқаролар ўртасида ўзаро ҳамкорликни яхшилаш;

в) табиий офатлар хавфини камайтириш ва иқлим ўзгаришига чидамлиликни ошириш тадбирларини молиялаштириш бўйича:

табиий офатлар хавфини камайтириш ва иқлим ўзгаришига чидамлиликни оширишга оид тадбирларга давлат инвестициялари ва хусусий инвестицияларни жалб этиши;

авария-қутқарув ва бошқа маҳсус мулк-ашёларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга доир чора-тадбирларни амалга оширишда давлат-хусусий шериклик механизmlарини жорий этиши;

табиий офатлар хавфини сувурта қилишга оид тадбирларни ташкил этиши;

сел, тошқинлар, кўчкilar ва бошқа хавфли табиий офатлар, шунингдек, қурғоқчилик билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича манзилли профилактик тадбирларни амалга ошириш;

маҳаллий шароитларда табиий офатлар хавфини камайтиришга доир чора-тадбирлар самараадорлигини оширишга қаратилган шаҳарсозлик нормаларини, қоидаларини, аҳоли пунктларини режалаштириш ва қуришга оид стандартларни такомиллаштириб бориш;

табиий офатлардан жабрланганларни ижтимоий муҳофаза қилиш стратегияларини ишлаб чиқиши ва амалга ошириш, шунингдек, механизmlарини такомиллаштириш;

г) табиий офатлар рўй берганда, харакат қилишга тайёрлик даражасини ошириш бўйича:

замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида алоқа, табиий офатлар билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар хавфи ёки рўй берганлиги хақида хабар бериш ва маълумот (ахборот) етказишнинг автоматлаштирилган тизимларини модернизация қилиш ва доимий шай ҳолатда сақлаш;

табиий офатлар ва фавқулодда вазиятлар хавфи юзага келганлиги ёки рўй берганлиги тўғрисида аҳолига хабар бериш ва маълумот етказишнинг автоматлаштирилган тизимини яратиш учун техник воситаларни маҳаллий ишлаб чиқариши йўлга қўйиши;

табиий офатлар оқибатларини бартараф этиши бўйича Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими куч ва воситаларининг шайлигини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими кучлари ва ахолининг табиий оғатларда ҳаракат қилишга шайлигини, раҳбарлар таркибининг вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш;

хавфсизлик маданияти даражасини оширишда табиий оғатлар билан боғлиқ фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш бўйича ахолини кенг қамраб олиш;

табиий оғатлардан жабрланганларга тиббий ёрдам кўрсатиш механизmlарини такомиллаштириш;

ижтимоий, муҳим объектлар ва бошқа инфратузилмалар фаолиятининг табиий оғатларга нисбатан барқарорлигини ва иқлим ўзгаришига чидамлилигини ошириш;

табиий оғатлар хавфини камайтириш ва иқлим ўзгаришига чидамлиликни ошириш соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

4-боб. Табиий оғатлар хавфини камайтириш ва иқлим ўзгаришига чидамлиликни ошириш бўйича асосий чора-тадбирлар

44. Зилзилалар билан боғлиқ сейсмик хатарни камайтириш бўйича асосий чора-тадбирлар:

сейсмопрогностик мониторинг, турли сейсмик хавфларни баҳолаш, кучли зилзилалар юзага келиш эҳтимолини прогнозлаш;

зилзилалар натижасида ер кўчиши, сел, сув тошқинлари билан боғлиқ иккиласми хавфлар юзага келиши мумкин бўлган жойлар бўйича прогноз маълумотлари ва хариталарини тайёрлаш;

бино ва иншоотларни қуриш учун ер участкаларини танлашда уларнинг тўғри жойлаштирилишини таъминлаш, шунингдек, бино ва иншоотларнинг қурилишини лойиҳалаштиришда ва қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда зилзилабардошлик меъёrlарига риоя этилишини назорат қилиш;

қурилган бинолардан кейинчалик фойдаланиш имкониятини баҳолаш ва зилзилабардошлик даражаси паст бўлган биноларни мустаҳкамлаш бўйича техник ечимлар топиш максадида биноларнинг сейсмик чидамлилигини аниқлаш бўйича комплекс тадқиқотлар ўтказиб бориш;

маҳаллий хом ашёдан сифат-мустаҳкамлик хусусиятлари, шу жумладан зилзилабардошлиги замонавий қурилиш талабларига жавоб берадиган янги конструкциялар ва қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, шунингдек, зилзилабардош ўйларнинг лойиҳа ечимлари каталогларини тузиш ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш;

якка тартибдаги ўй-жойларни қуришда зилзилабардош турар жой бинолари лойиҳаларидан фойдаланиш амалиётини кенг жорий этиш;

республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари, масъул мутахассислари, қутқарув хизматлари, қутқарув ва фуқаро муҳофазаси тузилмалари, ишчи ҳамда хизматчиларини зилзиладан олдин, зилзила вақтида ва зилзиладан кейин ўзини тутиш қоидалари, кучли зилзилаларга олдиндан тайёргарлик кўриш ҳамда улардан

талафотларсиз чиқиши бўйича билим ва тажрибаларини изчил ошириб бориш ва амалий кўнкималарни ҳосил қилиш бўйича тегишли чора-тадбир комплексини амалга ошириш;

мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари, умумий ўрта ва ўрта маҳсус таълим ташкилотлари, профессионал таълим муассасалари ўқувчилари ҳамда олий таълим ташкилотлари талабаларининг зилзиладан олдин, зилзила вақтида ва зилзиладан кейин ўзини тутиш қоидалари, шунингдек, кучли зилзила билан боғлик фавқулодда вазиятлардан жабрланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш қоидалари ва усуllibарига ўргатиш;

ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлмаган, жисмоний имконияти чекланган, шунингдек, фаолият туридан қатъи назар, барча фуқароларни зилзиладан олдин, зилзила вақтида ва зилзиладан кейин тўғри харакатланишга ўргатиш;

зилзиладан олдин, зилзила вақтида ва зилзиладан кейин тўғри харакатланиш қоидалари бўйича оммабоп адабиётлар ва кўргазмали қўлланмаларни нашр этиш, қўшимча ўқув марказларини ташкил этиш.

45. Ер ва тош кўчкилари, ўпирилишлар хавфни камайтириш бўйича асосий чора-тадбирлар:

ер ва тош кўчкилари, ўпирилишлар хавфи мавжуд зоналарни мониторинг қилиш, кузатув тармоғини (постларни, об-ҳаво кузатиш станцияларни) кенгайтириш ҳамда визуал ва инструментал кузатишнинг замонавий усуllibарини жорий этиш;

ер ва тош кўчкилари, ўпирилишлар бўйича прогноз маълумотлари ва хариталарини тайёрлаш, уларнинг мунтазам равища янгиланишини таъминлаш ва хавфли ҳудудлар тўғрисидаги маълумотларни жамоатчиликка етказиш учун оммавий ахборот воситаларида жойлаштириш;

муҳандислик ҳимоя иншоотлари қурилишини тизимли режалаштириш ва иншоотларни ишчи ҳолатда сақлаш (кўчки жисмларини гидроизоляция қилиш ва дренажлаш, қияликларни террасалаш ва оғирлигини пасайтириш, тиргак деворлар билан мустаҳкамлаш, ер усти сувларини бошқа жойларга йўналтириш ва бошқалар);

ер кўчкиси хавфи бўлган қияликлар юзасига кўп йиллик чим ҳосил қиливчи ўтлар билан биргаликда дараҳт ва бута ўсимликларини экиш;

ер кўчкиси хавфи бўлган майдонларни ўзлаштириш, суфориш ва бошқа мелиоратив ишлар олиб борилишининг олдини олиш;

ер ва тош кўчкилари, ўпирилишлар хавфи мавжуд ҳудудларда яшовчи аҳолини хавфсиз ҳудудларга кўчириш чора-тадбирларини тизимли равища амалга ошириш;

ер ва тош кўчкилари, ўпирилишлар хавфи мавжуд ҳудудларда яшовчи аҳолини уларнинг эҳтимолий таъсир ҳудуди ва чегаралари тўғрисида хабардор қилишининг замонавий усуllibарини жорий этиш ва мавжудларини такомиллаштириш;

ер ва тош кўчкилари, ўпирилишлар оқибатларини бартараф этиш учун куч ва воситаларни яратиш, уларнинг шайлигини таъминлаш, шунингдек, ер ва тош кўчкилари, ўпирилишлар хавфининг олдини олиш ҳамда уларнинг

оқибатларини бартараф этиш бўйича ҳамкорлик режаларини тизимли янгилаб бориш;

ахолига, иқтисодиёт тармоқларига ва ижтимоий соҳага эҳтимол тутилган зарарни камайтириш учун кўчкilarни мажбуран тусириш;

ахолига ер ва тош кўчкиси фаоллашуви, ўрилишиларнинг дастлабки белгиларини тушунтириш ишларини олиб бориш ва хавфли ҳудудларда ўзини тутиш қоидаларига ўргатиш.

46. Кучли шамол хавфини камайтириш бўйича асосий чора-тадбирлар:

гидрометеорологик вазиятни кузатиш тармоқларини такомиллаштириш ва кенгайтириш, уларни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш;

ахолини кучли шамол хавфи тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш;

бинолар том қисмларининг шамол кучига барқарорлигини ошириш бўйича ва янги қурилаётган обьектларда бажариладиган монтаж ишлари сифатини назорат қилиш юзасидан тизимли чоралар кўриб бориш;

юқори кучланишли электр узатиш тармоқларининг мустаҳкамлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

электр токи узатилиши билан боғлиқ аварияларни бартараф этиш режаларини такомиллаштириб бориш;

дараҳтларнинг кучли шамол оқибатида синиши ва қулаб тушишининг олдини олиш чораларини кўриш;

кучли шамол оқибатларини бартараф этиш учун куч ва воситаларни яратиш, уларнинг шайлигини таъминлаш, шунингдек, кучли шамол оқибатларини бартараф этиш бўйича ҳамкорлик режаларини тизимли янгилаб бориш;

ахолининг барча қатламларини кучли шамол кузатилганида тўғри харакатланиш қоидаларига ўргатиш.

47. Кучли жала ва дўл хавфини камайтириш бўйича асосий чора-тадбирлар:

гидрометеорологик вазиятни кузатиш тармоқларини такомиллаштириш ва кенгайтириш, уларни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, визуал ва инструментал кузатишнинг замонавий усусларини жорий этиш;

ахолини кучли жала ва дўл хавфи тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш тизимларини такомиллаштириш;

ахоли пунктлари бош режаларига мувофиқ шаҳар ва бошқа ахоли пунктларида қурилишларни сув босиш ҳудудларини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш, шунингдек, табиий ариқларни сақлаб қолиш ва ёғингарчилик сувларини чиқариб юборувчи янги ирригация тизимларини яратиш (жала коллекторлари ва бошқалар);

гидрометеорологик жараёнларни атроф табиий муҳитга таъсир кўрсатиш орқали бошқариш (кучли жала ва дўл ёғишининг олдини олиш);

кучли жала ва дўл оқибатларини бартараф этиш учун куч ва воситаларни яратиш, уларнинг шайлигини таъминлаш, шунингдек, сел ва сув тошқинлари хавфининг олдини олиш ҳамда уларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича ҳамкорлик режаларини тизимли янгилаб бориш;

ахолининг барча қатламларини кучли жала ва дўл ҳодисалари пайтида тўғри харакатланиш қоидаларига ўргатиш.

48. Қор кўчкиси хавфини камайтириш бўйича асосий чора-тадбирлар:

кор кўчкиси хавфи мавжуд ҳудудларни аниқлаштирган ҳолда уларни мониторинг қилиш ва қор кўчкисини прогнозлаш, гидрометеорологик параметрларни кузатиш ва назорат қилиш тармоқларини ривожлантириш;

кор кўчкиси хавфи бўйича прогноз маълумотлар ва хариталарни тайёрлаш, мунтазам равишда янгилаб бориш;

кор кўчкиси хавфи мавжуд ҳудудлар тўғрисидаги маълумотларни тегишли мутахассислар ва жамоатчиликка етказиш чораларини кўриш;

кор кўчкисига қарши иншоотларни (кўчки қайтарувчи ва кўчки тўхтатувчи) барпо этиш ва уларни ишчи ҳолатда сақлаш;

кор кўчкиси хавфи юзага келган ҳудудларда транспорт воситаларининг ва одамларнинг ҳаракатини чеклаш;

кор кўчкисини сунъий тушириш (артиллерия ёрдамида отиб тушириш);

кор кўчкиси хавфи мавжуд жойларда аҳолини хабардор қилиш (транспорт ҳаракатланиши тартиби тўғрисида маълумот стендлар ва бошқа белгилар ўрнатиш);

кор кўчкиси оқибатларини бартараф этиш бўйича куч ва воситаларни яратиш, уларнинг шайлигини таъминлаш, шунингдек, кор кўчкиси хавфи нинг олдини олиш ҳамда уларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича ҳамкорлик режаларини тизимли янгилаб бориш;

кор кўчкиси хавфи мавжуд бўлган ҳудудларда яшовчи аҳоли ва сайёҳларни кор кўчкисида тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш.

49. Қурғоқчиликка қарши курашиб бўйича асосий чора-тадбирлар:

қурғоқчиликни прогнозлаш ва мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш (маълумотлар тўплаш, гидрологик ва иқтисодий шарт-шароитларни моделлаштириш, маълумотлардан эркин фойдаланиш);

қурғоқчилик сабаблари ва оқибатларини бартараф этиш чоралари ва қурғоқчилик хавфини юмшатиш бўйича тадбирларни мувофиқлаштириб бориш;

қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

қишлоқ хўжалиги экинларини диверсификациялаш;

қурғоқчиликка чидамли ўсимлик турларини этиштириш, шу жумладан, диверсификациялаш учун шу турдаги ўсимликлар уруғларини тайёрлаш;

қурғоқчиликка чидамли қишлоқ хўжалиги экинларини экиш;

қурғоқчилик хавфи билан боғлиқ суғурта хизматлари турларини кенгайтириш;

чўл ҳудудларида ўрмонзорлар ва яшил қопламалар барпо этиш, қумли ҳудудларни мустаҳкамлаш.

50. Сел, сув тошқинлари хавфини камайтириш бўйича асосий чора-тадбирлар:

сел, сув тошқинлари хавфи мавжуд ҳудудларни мониторинг қилиш, кузатув тармоғини (гидропостларни, об-ҳаво кузатиш станцияларини) кенгайтириш, уларни замонавий асбоб усқуналар билан жиҳозлаш, визуал ва инструментал кузатишнинг замонавий усувларини жорий этиш;

сел, сув тошқинлари хавфи бўйича прогноз маълумотлари ва хариталарини тайёрлаш, уларнинг мунтазам равишда янгиланишини таъминлаш ва

хавфли худудлар тўғрисидаги маълумотларни оммавий ахборот воситаларига, шу жумладан электрон оммавий ахборот воситаларига жойлаштириш;

сунъий йўлдош маълумотларидан фойдаланган ҳолда сел ҳодисаларини олдиндан аниқлаш;

баланд тоғлардаги кўллар, дарёлар ва сел келиш ўзанларини тизимли ўрганиш, уларнинг таъсири эҳтимоли бўлган худудларни, ўзанларининг төрайиш жойларини, қум-шағал материалларининг тўпланиши каби хавфларни аниқлаш;

муҳандислик ҳимоя иншоотлари қурилишини тизимли режалаштириш ва уларни ишли ҳолатда сақлаш (сел қабул қилиш, каналлар, сел ўтказгичлари, ҳимоя деворлари, йўналтирувчи ва ўраб турувчи тўғонлар, қияликларни терассалаш, шунингдек, қирғоқларни муҳофаза қилиш ва сув тубини чуқурлаштирувчи ишларни олиб бориш, тошқин сувларини қабул қилиш ва келаётган сувларни бошқариш учун сув омборларининг ишларини доимий назорат қилиш, музлар тиқилиб қолишига қарши курашиш ва бошқа чораларини кўриш);

ахоли пунктлари бош режаларига мувофиқ шаҳар ва бошқа ахоли пунктларида қурилишларни сув босиши худудларини хисобга олган ҳолда амалга ошириш, шунингдек, табиий ариқларни сақлаб қолиш ва ёғингарчилик сувларини чиқариб юборувчи янги тизимларини яратиш (жала коллекторлари ва бошқалар);

сел, сув тошқини хавфи тўғрисида ахолини ўз вақтида хабардор қилиш (юқори ҳарорат, ёғингарчилик, кўллар ва сув омборларни ўпирилиши хавфи ва бошқалар);

сел, сув тошқинларини хавфсиз ўтказиб юбориш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш (дарё ўзанларини, каналларни, селдан ҳимоя қилиш иншоотларини тозалаш, қирғоқларни мустаҳкамлаш, ариқларни тиклаш ва янгиларини қуриш);

сел, сув тошқинлари хавфи мавжуд худудларда яшовчи ахолини хавфсиз худудларга кўчириш ҳамда хавф мавжуд жойларда турар жой ва жамоат бинолари қурилишининг олдини олиш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

сел, сув тошқинлари оқибатларини бартараф этиш учун куч ва воситаларни яратиш, уларнинг шайлигини таъминлаш, шунингдек, сел ва сув тошқинлари хавфининг олдини олиш ҳамда уларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича ҳамкорлик режаларини тизимли янгилаб бориш;

ҳимоя тўғонларини қуриш учун материаллар захираларини яратиш, авария ва ҳимоя ишларини амалга ошириш учун техникаларни шай ҳолатга келтириш;

ахолига, иқтисодиёт тармоқларига ва ижтимоий соҳага эҳтимол тутилган зарарни камайтириш учун гидрометеорологик жараёнларни атроф табиий мухитга таъсириш орқали бошқариш (ёғингарчиликлар ва сел келишининг олдини олиш);

ахолини сел, сув тошқинлари хавфи юзага келганда ёки содир бўлганда тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш.

51. Табиий ёнгинлар хавфини камайтириш бўйича асосий чора-тадбирлар: ёнгинларни ўчиришнинг самарадор тизимларини яратиш, уларнинг олдини олиш ва ўчириш ишларига кенг жамоатчиликни жалб этиш;

ёнгинлар сабаблари юзасидан тадқиқотлар ўтказиш ва натижаларини таҳлил қилган ҳолда ёнгин сабабларини бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

ёнгинларни тезкор мониторинг қилиш ва тезкорлик билан ўчириш учун инновацион технологияларни жорий этиш (космик мониторинг, учувчисиз учадиган аппаратлардан фойдаланиш, ёнгинларни видеокамералар ёрдамида кузатиш ва аниқлаш);

ёнгинларининг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни ташкил этиш (ёнфинга қарши ҳимоя оралиқлар, тўсиқлар ва бошқа инфратузилмаларни яратиш);

яшинлар туфайли ёнгинлар рўй бериши мумкин бўлган жойларни аниқлаган ҳолда, ушбу жойларда момақалдироқ пеленгациясини ва яшиндан ҳимоялаш тизимларини яратиш;

ёнгинларни ўчириш учун куч ва воситаларни яратиш, уларнинг шайлигини таъминлаш, шунингдек, ёнгинларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш бўйича ҳамкорлик режаларини тизимли янгилаб бориш;

ахоли ва сайёхлар ўртасида аланга билан эҳтиёт бўлиш чоралари юзасидан тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш.

52. Табиий оғатлар билан боғлик техноген хусусиятга эга хавфларни камайтириш бўйича асосий чора-тадбирлар:

гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминловчи чораларни амалга ошириш, шу жумладан, уларнинг хавфсизлик мезонларини белгилаш, иншоотлар ҳолатини доимий назорат қилиш мақсадида назорат-ўлчов асбоблари билан жиҳозланишини таъминлаш, хавфсизлик декларациясини ишлаб чиқиш;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги устидан давлат назоратини амалга ошириш тизимини такомиллаштириш;

гидротехника иншоотларига малакали мутахассислар томонидан хизмат кўрсатилишини таъминлаш;

гидротехника иншоотларида авариялар юзага келиш хавфини камайтириш бўйича олдиндан комплекс чора-тадбирларни ўтказиш;

гидротехника иншоотларидан хавфсиз фойдаланиш учун ишлаб чиқилган фойдаланиш қоидалари ва хавфсизлик қоидаларига риоя этилишини таъминлаш;

гидротехника иншоотлари ва унинг сув оқиб ўтувчи қисмларининг ҳолати устидан доимий назорат қилиш техник тизимларини такомиллаштириш;

гидротехника иншоотларини доимий кузатиш натижасида олинган маълумотларни тизимли равишда таҳлил қилиб бориш ва гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини пасайтирувчи омилларни аниқлаш;

гидротехника иншоотларининг техник ҳолатига табиий ва техноген омиллар таъсир кўрсаткичларини назорат (мониторинг) қилиш;

авариялар ва фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш учун

куч ва воситаларни яратиш, уларнинг шайлигини таъминлаш, шунингдек, иншоотларда юзага келиши мумкин бўлган авариялар ва фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш бўйича ҳамкорлик режаларини тизимли янгилашиб бориш;

гидротехник иншоотларни метрологик таъминлаш;

гидротехник иншоотларда юзага келган авариялар ва фавқулодда вазиятлар тўғрисида ахолига хабар бериш ва маълумот етказишининг автоматлаштирилган тизимларини жорий этиш;

гидротехник иншоотларнинг ходимлари ва ахолини гидротехник иншоотларда юзага келган авариялар ва фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш.

5-боб. Миллий ҳаракатлар режасини амалга ошириш механизми

53. Миллий ҳаракатлар режасининг устувор йўналишлари ва вазифалари давлат стратегиялари, ривожлантириш дастурлари, уларни амалга ошириш режаларига, шунингдек, бошқа соҳаларни такомиллаштиришга доир дастурӣ хужжатларга интеграциялаштирилади.

54. Миллий ҳаракатлар режасини амалга ошириш учун барча манфаатдор томонлар, шу жумладан, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, халқаро ташкилотлар, хусусий сектор, шунингдек, ахоли жалб қилинади.

55. Миллий ҳаракатлар режаси «йўл харитаси»да белгиланган механизлар орқали ва муддатларда амалга оширилади.

56. Миллий ҳаракатлар режаси ва «йўл харитаси»нинг бажарилиши юзасидан ҳаракатларни мувофиқлаштириш идоралараро бошқарув Кенгаши томонидан амалга оширилади.

6-боб. Миллий ҳаракатлар режасини амалга оширишдан кутилаётган натижалар

57. Ушбу Миллий режани амалга ошириш натижасида:

янги табиий оғатлар хавфи пайдо бўлишининг олди олиниши ва маълум хавфларнинг таҳди迪 камайиши;

табиий оғатлардан жабрланганлар сони, шунингдек, уларнинг оқибатида ўлим даражаси имкон қадар камайиши;

табиий оғатлар ва иқлим ўзгаришидан кўрилган ижтимоий, иқтисодий ва экологик заарлар кўлами миқдорлари камайиши;

ахолининг табиий оғатлар хавфи ва иқлим ўзгаришига чидамлиликни ошириш бўйича билим-тажрибалари шаклланиши;

иқлим ўзгаришига чидамлилик даражасининг ошиши;

табиий оғатлар ва иқлим ўзгаришидан жабрланган ахолининг ҳаёт фаoliyatini таъминлаш тизимларининг ривожлантирилиши кутилмоқда.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КАМБАФАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА БАНДЛИК ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУГИ

356 Алоҳида асосларга кўра меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишдан бўшатилган ходимларга муддатидан олдин пенсия тайинлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 7 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 588-5

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ-269-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ва Меҳнат вазирлиги томонидан 1998 йил 30 ноябрда 2-271/04-сон ва 1235/04-1-сон билан тасдиқланган Алоҳида асосларга кўра меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишдан бўшатилган ходимларга муддатидан олдин пенсия тайинлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (рўйхат рақами 588, 1999 йил 7 январь) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур бўйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 4 июль,
60-1-2023/Б-сон

* Ушбу бўйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 8 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси /
 камбағалликни қисқартириш ва бандлик
 вазирининг 2023 йил 4 июлдаги
 60-1-2023/Б-сон буйругига
 ИЛОВА

**Алоҳида асосларга кўра меҳнат шартномаси бекор қилинганда
 ишдан бўшатилган ходимларга муддатидан олдин пенсия
 тайинлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган
 ўзгартиришлар**

1. 1-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 161-моддаси иккинчи қисмининг 1 ва 2-бандларида кўрсатилган сабабларга (асосларга) кўра меҳнат шартномаси бекор қилинган ходимларга муддатидан олдин пенсия тайинлаш ва тўлаш тартибини белгилайди.».

2. 2-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Муддатидан олдин ёшга доир пенсия ташкилот (унинг алоҳида бўлинмаси) ўз муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки таъсис ҳужжатлари билан бунга ваколат берилган юридик шахс органининг қарори билан тугатилганлиги ёхуд якка тартибдаги тадбиркор томонидан фаолиятнинг тугатилганлиги, технологиянинг, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишининг ўзгариши, ишлар (маҳсулот, хизматлар) ҳажмининг қисқариши билан боғлиқ бўлган ташкилот (унинг алоҳида бўлинмаси), якка тартибдаги тадбиркор ходимлари сонининг ёки штатининг ўзгарганлиги муносабати билан ишдан озод этилган ва туман (шахар) Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими томонидан белгиланган тартибида ишсиз деб эътироф этилган, пенсия таъминоти тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ пенсияга чиқиш учун талаб этиладиган умумий меҳнат стажига эга бўлган шахсларга муддатидан олдин (қонунчилик ҳужжатларида белгиланган умумий асосларга кўра пенсия тайинлаш муддатидан икки йил олдин) пенсия тайинланади.».

3. 6-банддаги «аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига иш қидираётган шахс сифатида мурожаат қилсалар, марказ» деган сўзлар «Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими» сифатида мурожаат қилсалар, ушбу бўлим» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 7-банддаги «аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази» ва «аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказида» деган сўзлар тегишли равища «Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими» ҳамда «Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 8-банддаги «аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази» ва «Молия вазирлиги» деган сўзлар тегишли равища «Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими» ҳамда «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 9-банддаги «аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази» деган сўзлар «Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 10-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларидағи «аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказида» деган сўзлар «Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимиди» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 14-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Мехнат кодекси 100-моддасининг иккинчи қисми 1-бандида» деган сўзлар «Мехнат кодекси 161-моддаси иккинчи қисмининг 1 ва 2-бандларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 15-банддаги «Молия вазирлиги» ва «аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларига» деган сўзлар тегишли равишда «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» ҳамда «Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 16, 19 ва 20-бандлардаги «аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари» деган сўзлар «Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. 21-банддаги «аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари», «бандлик бош бошқармаларига» ва «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига» деган сўзлар тегишли равишда «Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимлари», «Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаларига» ҳамда «Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12. 1 — 3-иловалар мазкур ўзгартиришларнинг 1 — 3-иловаларига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

* 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИНВЕСТИЦИЯЛАР, САНОАТ ВА САВДО ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

357 «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж соҳасида ноозик-овқат иsteъmol товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
7 августда рўйхатдан ўtkазилди, рўйхат рақами 2885-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 декабрдаги ПҚ-2687-сон «2017 — 2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги **қарор қиласди**:

1. Айрим идоравий норматив-хуқуқий хужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур қарор «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси билан келишилган.
3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Иқтисодиёт ва молия вазири

Ш. КУДБИЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 28 июль,
70-сон

**Инвестициялар,
саноат ва савдо вазири**

Л. КУДРАТОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 25 июль,
2023/30-7-сон

Келишилди:

**«Ўзтўқимачиликсаноат»
уюшмаси раиси**

И. ХАЙДАРОВ

2023 йил 13 июль

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 9 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
 Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг
 2023 йил 28 июлдаги 70-сон ҳамда Инвестици-
 ялар, саноат ва савдо вазирлигининг 2023 йил
 25 июлдаги 2023/30-7-сон қарорига
 ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
 норматив-хуқуқий ҳужжатлар
 РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат солик қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2017 йил 14 апрелдаги 15, 125, 2017/10-3, 2017-09 ва 01-02/8-8-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж соҳасида ноозик-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2885, 2017 йил 16 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 20-сон, 374-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Давлат солик қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 6 августдаги 89, 14, КҚ-01, 2019-51 ва 01-02/8-31-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж соҳасида ноозик-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2885-1, 2019 йил 22 август) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.08.2019 й., 10/19/2885-1/3611-сон).

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУФИ**

358 «Ўзбекистон Республикаси ва «Союзнефтегаз Восток Лимитед» компанияси ўртасида 2007 йил 23 январдаги Ўзбекистон Республикасининг Жанубий-Фарбий Ҳисор ва Устюрт миңтақаси ҳудудларидағи конларга нисбатан маҳсулот тақсимотига оид битим доирасида нефть ва газ конденсатини қазиб олиш бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун (ројалти) солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
9 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2277-2*

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ-269-сон «Янги Ўзбекистон маъмурӣ ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2011 йил 27 сентябрдаги 24, 2010-47-сон «Ўзбекистон Республикаси ва «Союзнефтегаз Восток Лимитед» компанияси ўртасида 2007 йил 23 январдаги Ўзбекистон Республикасининг Жанубий-Фарбий Ҳисор ва Устюрт миңтақаси ҳудудларидағи конларга нисбатан маҳсулот тақсимотига оид битим доирасида нефть ва газ конденсатини қазиб олиш бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун (ројалти) солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 2277, 2011 йил 11 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2011й., 41-сон, 451-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Ш. КУДБИЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 5 июль,
47-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 9 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил
5 июлдаги 47-сон бўйруғига
ИЛОВА

**«Ўзбекистон Республикаси ва «Союзнефтегаз Восток
Лимитед» компанияси ўртасида 2007 йил 23 январдаги
Ўзбекистон Республикасининг Жанубий-Фарбий Ҳисор ва
Устурт минтақаси ҳудудларидағи конларга нисбатан маҳсулот
тақсимотига оид битим доирасида нефть ва газ конденсатини
қазиб олиш бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун (ројалти)
солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги
низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Қарор муқаддимасидан «(Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатла-
ри тўплами, 2007 й., 52 (I)-сон)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.
2. Низомда:
 - а) муқаддимадан «(Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2007 й., 52-сон (I))» деган сўзлар чиқариб ташлансин;
 - б) 2-банддаги «солик тўловчи» деган сўзлар «солиқни солик тўловчиси»
деган сўзлар билан алмаштирилсин;
 - в) III бобнинг номидаги «солинадиган база» деган сўзлар «базаси» деган
сўз билан алмаштирилсин;
 - г) 3-банд «(ројалти)» деган сўздан кейин «солиқнинг» деган сўз билан
тўлдирилсин;
 - д) 4-банд «(ројалти)» деган сўздан кейин «солиқнинг» деган сўз билан
тўлдирилсин;
 - е) 5-банддаги «43-боби» ва «солинадиган базани» деган сўзлар тегишли
равишда «64-боби» ва «базасини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
 - ж) 6-банднинг биринчи, иккинчи ва тўртинчи хатбошиларидағи «солина-
диган базани» деган сўзлар «базасини» деган сўз билан алмаштирилсин;
 - з) 8-банддаги «солинадиган база» деган сўзлар «базаси» деган сўз билан
алмаштирилсин;
 - и) 9-банддаги «календарь йил» деган сўзлар «чорак» деган сўз билан ал-
маштирилсин;
 - к) V бобнинг номи қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«V. Солик ҳисоботларини тақдим этиш ва солиқни тўлаш
тартиби»;**

- л) 11-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:
 «11. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солик бўйича солик ҳисоботи
хар бир ҳисобот ва солик даври тугаганидан кейин Инвесторнинг ёки Опе-
раторнинг солик ҳисобида турган жойдаги солик органларига солик даври
бошланганидан эътиборан ортиб борувчи якун билан ҳар ойда, ҳисобот дав-

ридан кейинги ойнинг 20-санасидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 28 январдаги 2020-03-сон «Солиқ ҳисоботининг шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорининг (рўйхат рақами 3221, 2020 йил 24 февраль) 5-иловасига мувофиқ шаклда тақдим этилади.»;

- м) 12 ва 13-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин;
- н) 14-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:
«14. Ер қаъридан фойдаланганлик учун (ројалти) солиқ тўлаш солиқ ҳисоботини тақдим этиш муддатидан кечиктирмай амалга оширилади.»;
- о) 15-банддаги «солиқнинг тўғри ҳисобланиши» деган сўзлар «солиқни тўғри ҳисоблаб чиқарилиши» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
- п) 1 ва 2-иловалар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЭКОЛОГИЯ, АТРОФ-МУХИТНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ ВА
ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУГИ

359 Экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлигига номзодларни маҳсус тайёргарликдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
9 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3041-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 мартағи ПФ-6191-сон «Аҳоли ва тадбиркорлик субъектлариға давлат хизматларидан фойдаланишда янада қулай шароитлар яратиш, бу борада бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2023 йил 31 майдаги ПФ-81-сон «Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш соҳасини трансформация қилиш ва ваколатли давлат органи фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2018 йил 26 июндаги 6-сон қарори (рўйхат рақами 3041, 2018 йил 21 июль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.07.2018 й., 10/18/3041/1551-сон) билан тасдиқланган Экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлигига номзодларни маҳсус тайёргарликдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. АБДУХАКИМОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 22 июль,
МН-9-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 10 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва
иқлим ўзгариши вазирининг 2023 йил
22 июлдаги МН-9-сон буйруғига
ИЛОВА

**Экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлигига
номзодларни маҳсус тайёргарликдан ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 5-банднинг биринчи хатбошисидаги «Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (бундан буён матнда Қўмита деб юритилади)» деган сўзлар «Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (бундан буён матнда Вазирлик деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 6-банддаги «Қўмитанинг» деган сўз «Вазирликнинг» деган сўз билан алмаштирилсин.

3. 9, 15 ва 20-бандлардаги «Қўмита» деган сўз «Вазирлик» деган сўз билан алмаштирилсин.

4. 10-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;
учинчи ва тўртинчи хатбошилар тегишли равишда иккинчи ва учинчи хатбошилар деб хисоблансин.

5. 12-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш бошқармалари» деган сўзлар «Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУФИ

360 **Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига чет эл фуқароларини ўқишга қабул қилиш олдидан тиббий кўрикдан ўтказиш ҳақидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 10 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1862-1

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги, 2022 йил 14 марта даги ЎРҚ-759-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатлари ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизmlарни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2022 йил 21 декабрдаги ПФ-269-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2008 йил 25 августдаги 376-сон бўйруғи (рўйхат рақами 1862, 2008 йил 24 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2008 й., 39-сон, 403-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига чет эл фуқароларини ўқишга қабул қилиш олдидан тиббий кўрикдан ўтказиш ҳақидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсун.

2. Мазкур бўйруқ Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Ташки ишлар вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур бўйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Тошкент ш.,
2023 йил 17 июль,
26-сон

А. ИНОЯТОВ

* Ушбу бўйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 11 августда эълон қилинган.

Келишиилди:

*Олий таълим, фан
ва инновациялар вазири*

*И. АБДУРАҲМОНОВ**2023 йил 27 июнъ*

*Мактабгача ва мактаб
таълими вазири*

*Х. УМАРОВА**2023 йил 7 июль*

Ташқи ишлар вазири

*Б. САИДОВ**2023 йил 15 июль*

Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг 2023 йил
17 июлдаги 26-сон бўйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига чет эл
фуқароларини ўқишга қабул қилиш олдидан тиббий кўрикдан
ўтказиш ҳақидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар ва
қўшимча**

1. 3-банднинг иккинчи хатбошисидаги «молия органлари» деган сўзлар «иктисодиёт ва молия органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
2. 6-банд «паспорт» деган сўздан кейин «ёки идентификация ID-картаси» деган сўзлар билан тўлдирилсин.
3. 7-банднинг биринчи хатбошисидаги «умумий амалиёт шифокори» деган сўзлар «оилавий шифокор» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
4. 8-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги тахрирда баён этилсин:
«8. Чет эл фуқаролари ўрта маҳсус, профессионал таълим ташкилотлари ва олий таълим муассасаларига ўқишга кириш жараёнида оилавий шифокор ва бошқа шифокор мутахассислар: отоларинголог, офтальмолог, невропатолог, хирург, уролог, гинеколог, психиатр кўриги ва флюорография текширувидан, тегишли клиник таҳлиллари ўтказилади.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУГИ

361**«Солиқ маслаҳати миллий стандарти (З-сонли СММС)**

«Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ текширувлари ўтказиш вақтида солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш тартиби»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқка ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
10 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2425-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ маслаҳатига оид фаолият тўғрисида»ги Қонунига мувофик **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2013 йил 8 январдаги З-сон «Солиқ маслаҳати миллий стандарти (З-сонли СММС) «Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ текширувлари ўтказиш вақтида солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш тартиби»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруфига (рўйхат рақами 2425, 2013 йил 6 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2013 й., 6-сон, 79-модда) иловага мувофик ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир**Ш. КУДБИЕВ**

Тошкент ш.,
2023 йил 17 июль,
2425-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 11 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил
17 июлдаги 2425-сон бўйруғига
ИЛОВА

**«Солиқ маслаҳати миллий стандарти (З-сонли СММС)
«Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ текширувлари
ўтказиш вақтида солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш
тартиби»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. Буйруқнинг муқаддимасидаги «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, 9-сон, 497-модда) деган сўзлар «Солиқ маслаҳатига оид фаолият тўғрисида»ги Қонунининг 10-моддасига деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Илованинг муқаддимасидан «Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, 9-сон, 497-модда) мувофиқ» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУФИ

362 **Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузури-
даги тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга
кўмаклашиш бўйича маслаҳат марказининг намунавий низомига
ўзгартиришлар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
10 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2499-4*

1. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 6 майдаги ЎРҚ-838-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Конституциявий Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ-269-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотлар амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюраман**:

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитасининг 2013 йил 24 июндаги 36, 62 ва 2013-34-сон қарори (рўйхат рақами 2499, 2013 йил 8 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 32-сон, 435-модда; 2017 й., 26-сон, 597-модда) билан тасдиқланган Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича маслаҳат марказининг намунавий низомига иловага мувофиқ ўзгаришлар киритилсин.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан келишилган.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Тошкент ш.,
2023 йил 11 июль,
57-сон

Ш. КУДБИЕВ

Кедишилди:

**Камбағалликни қисқартириш
ва бандлик вазири**

Б. МУСАЕВ

2023 йил 5 июль

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 11 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил
11 июлдаги 57-сон бўйруғига
ИЛОВА

**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги
тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш
бўйича маслаҳат марказининг намунавий низомига
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 5-банднинг биринчи хатбошисидаги «раиси (оқсоқоли)нинг» деган сўзлар «раисининг» деган сўз билан алмаштирилсин.
2. 6-банддаги «туман (шахар) давлат солиқ инспекцияси» деган сўзлар «туман (шахар) солиқ инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
3. 8-банднинг учинчи хатбошисидаги «бандликка кўмаклашиш ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари» деган сўзлар «камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
4. 17-банддан «(оқсоқоли)» деган сўз чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУГИ

363 «Солиқ маслаҳати миллий стандарти (5-сонли СММС)
«Солиқ маслаҳатчилари ишининг сифатини ички назорат қилишни ташкил этишга қўйиладиган талаблар»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида^{*}

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
10 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2940-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ маслаҳатига оид фаолият тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 19 сентябрдағи 135-сон «Солиқ маслаҳати миллий стандарти (5-сонли СММС) «Солиқ маслаҳатчилари ишининг сифатини ички назорат қилишни ташкил этишга қўйиладиган талаблар»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруфига (рўйхат рақами 2940, 2017 йил 24 октябрь) (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.10.2017 й., 10/17/2940/0177-сон) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Ш. КУДБИЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 17 июль,
2940-сон

Ўзбекистон Республикаси
иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил
17 يولдаги 2940-сон буйруфига
ИЛОВА

Солиқ маслаҳати миллий стандарти (5-сонли СММС) «Солиқ маслаҳатчилари ишининг сифатини ички назорат қилишни ташкил этишга қўйиладиган талаблар»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа киритилаётган ўзгартиришлар

1. Буйруқ муқаддимасидаги «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига» деган сўзлар «Солиқ маслаҳатига оид фаолият тўғрисида» ги Қонунининг 10-моддасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Илова муқаддимасидан «Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ» деган сўзлар чиқариб ташлансан.

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 11 августда эълон қилинган.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУГИ**

364 Рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини ва қатъий ҳисобдаги бланкаларни беришда, автомототранспорт воситалари, уларнинг тиркамалари (ярим тиркамалари)ни рўйхатдан ўтказишида, қайта рўйхатдан ўтказишида, мажбурий техник кўрикдан ўтказишида, шунингдек имтиҳонларни олишда ундириладиган тўловлар ставкаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
11 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2303-4*

Аҳолини автомототранспорт воситаларининг рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари билан ўз вақтида таъминлаш учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини ошириш ҳамда уларни қўшимча ҳимоя элементлари билан таъминлаш мақсадида **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2011 йил 23 ноябрдаги 174-сон буйруги (рўйхат рақами 2303, 2011 йил 21 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 51-сон, 552-модда) билан тасдиқланган Рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини ва қатъий ҳисобдаги бланкаларни беришда, автомототранспорт воситалари, уларнинг тиркамалари (ярим тиркамалари)ни рўйхатдан ўтказишида, мажбурий техник кўрикдан ўтказишида, шунингдек имтиҳонларни олишда ундириладиган тўловлар ставкаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ 2023 йил 1 ноябрдан кучга киради.

Вазир

П. БОБОЖНОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 10 август,
396-сон

Келишилди:

Иқтисодиёт ва молия вазири

Ж. КУЧКАРОВ

2023 йил 10 август

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 11 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2023 йил
10 августдаги 396-сон бўйруғига
ИЛОВА

**Рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини ва қатъий
ҳисобдаги бланкаларни беришда, автомототранспорт воситалари,
уларнинг тиркамалари (ярим тиркамалари)ни рўйхатдан
ўтказишида, қайта рўйхатдан ўтказишида, мажбурий техник
кўрикдан ўтказишида, шунингдек имтиҳонларни олишда
ундириладиган тўловлар ставкаларига
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-банддаги «1,5» рақами «3,5» рақами билан алмаштирилсин.
2. 2-банддаги «тиркамалар (ярим тиркамалар) учун» ҳамда «75 фоизи»
деган сўзлар тегишли равишида «тиркамаларга (ярим тиркамалар) РЎДРБ
учун» ҳамда «1,75 баравари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
3. 4-банддаги «1» рақами «3,5» рақами билан алмаштирилсин.
4. 5-банддаги «50 фоизи» деган сўзлар «1,75 баравари» деган сўзлар би-
лан алмаштирилсин.

5. 1-бобнинг изоҳида:

иккинчи ва учинчи хатбошилар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:
«йўқотилган бир дона ёки бир жуфт РЎДРБ ўрнига янги бир жуфт
РЎДРБ бериш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 3,5 баравари миқдорида
ундирилади;

йўқотилган бир дона РЎДРБ (мототранспорт воситалари, мотороллерлар
ва тиркамалар (ярим тиркамалар) учун) ўрнига янги бир дона РЎДРБ бериш
учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,75 баравари миқдорида ундирилади;»;

тўртинчи хатбошидаги «транспорт воситасини рўйхатдан ўтказишида
РЎДРБларини сақлаб қолиш учун белгиланган тўлов ставкасининг 50 фои-
зи» деган сўзлар «РЎДРБни ўн икки ой муддатдан сўнг яна бир йил муддатга
сақлаганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари» деган сўзлар
билан алмаштирилсин.

6. 5-бобнинг изоҳида:

иккинчи — тўртинчи хатбошилар чиқариб ташлансан;
бешинчи хатбоши иккинчи хатбоши деб ҳисоблансан.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-хукуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг 2023 йил 4 июлдаги 60-1-2023/Б-сон «Алоҳида асосларга кўра меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишдан бўшатилган ходимларга муддатидан олдин пенсия тайинлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги буйруфи.

2023 йил 7 август рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 588-5.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2023 йил 28 июлдаги 70-сон ҳамда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигининг 2023 йил 25 июлдаги 2023/30-7-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж соҳасида ноозик-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартишларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2023 йил 7 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2885-2.

3. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 5 июлдаги 47-сон «Ўзбекистон Республикаси ва «Союзнефтегаз Восток Лими-тед» компанияси ўртасида 2007 йил 23 январдаги Ўзбекистон Республикасининг Жанубий-Фарбий Ҳисор ва Устюрт минтақаси ҳудудларидағи конларга нисбатан маҳсулот тақсимотига оид битим доирасида нефть ва газ конденсатини қазиб олиш бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун (роялти) солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруфи.

2023 йил 9 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2277-2.

4. Ўзбекистон Республикаси экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирининг 2023 йил 22 июлдаги МН-9-сон «Экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлигига номзодларни маҳсус тайёргарлиқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги буйруфи.

2023 йил 9 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3041-1.

5. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2023 йил 17 июлдаги 26-сон «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига чет эл фуқа-

роларини ўқишига қабул қилиш олдидан тиббий кўриқдан ўтказиш хақидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2023 йил 10 августдан рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1862-1.

6. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 17 июлдаги 2425-сон «Солик маслаҳати миллий стандарти (3-сонли СММС) «Давлат солик хизмати органлари томонидан солик текширувлари ўтказиш вақтида солик маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш тартиби»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2023 йил 10 августдан рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2425-1.

7. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 11 июлдаги 57-сон «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича маслаҳат марказининг намунавий низомига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2023 йил 10 августдан рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2499-4.

8. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 17 июлдаги 2940-сон «Солик маслаҳати миллий стандарти (5-сонли СММС) «Солик маслаҳатчилари ишининг сифатини ички назорат қилишни ташкил этишга қўйиладиган талаблар»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2023 йил 10 августдан рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2940-1.

9. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2023 йил 10 августандаги 396-сон «Рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини ва қатъий хисобдаги бланкаларни беришда, автомототранспорт воситалари, уларнинг тиркамалари (ярим тиркамалари)ни рўйхатдан ўтказища, қайта рўйхатдан ўтказища, мажбурий техник кўриқдан ўтказища, шунингдек имтиҳонларни олишда ундириладиган тўловлар ставкаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2023 йил 11 августдан рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2303-4.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат солик қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2017 йил 14 апрелдаги 15, 125, 2017/10-3, 2017-09 ва 01-02/8-8-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж соҳасида ноозик-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар томонидан солик ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби

тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида»ги қарори (рўйхат рақами 2885, 2017 йил 16 май) шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 2885-1, 2019 йил 22 август).

2023 йил 7 августда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур хужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.